ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 81 (9.731) 2002 йил 12 июль, жума ◆ Сотувда эркин нархда

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

Мамлакатимизда

● МАМЛАКАТИМИЗ ҒАЛЛАКОРЛАРИ ИСТИҚЛОЛИМИЗНИНГ 11 ЙИЛЛИГИГА МУНОСИБ ТУҲФА ҲОЗИРЛАДИЛАР. УЛАР 2 МИЛЛИОН 800 МИНГ ТОННАЛИК УЛКАН ХИРМОН УЙИБ, ДОН ТАЙЁРЛАШ ШАРТНОМА РЕЖАСИНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ БАЖАРДИЛАР.

● Олий Мажлиснинг ўтган куни бўлиб ўтган Иқтисодиётни ислоҳ қилиш масалалари ва тадбиркорлик ҳамда Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмиталарининг қўшма йиғилишида Ўзбекистон Республикасининг «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги ва «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги Қонунларининг ижроси тўғрисидаги масала муҳокама қилинди.

● Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш мажмуининг мажлиси бўлиб ўтди.

● Вазирлар Маҳкамаси Қурилиш, қурилиш материаллари саноати, уй-жой коммунал хўжалиги ва транспорт мажмуининг бўлиб ўтган мажлисида жорий йилнинг олти ойлик иш фаолияти якунлари ва галдаги вазифалар муҳокама қилинди.

● Вазирлар Маҳкамасида Иқтисодиёт тармоқларини куз-қиш даврида ишлашга тайёрлаш бўйича республика комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

● Вазирлар Маҳкамаси Агросаноат мажмуининг жорий йил олти ойлик иш фаолияти якунлари ва галдаги вазифаларга бағишланган мажлиси бўлди.

● Вазирлар Маҳкамаси Алоқа ва ахборот-телекоммуникация технологиялари масалалари мажмуининг йиғилиши бўлиб ўтди.

● Кеча «Экосан» халқаро жамғармасида Бутунжаҳон Аҳолишунослик кунига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

● Сирдарё вилояти давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси ўзининг бирка марказида янги кўрғазма ташкил этди.

● Андижон Давлат тиббиёт институтида Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳамда республика Травматология ва ортопедия илмий-текшириш институти ҳамкорлигида «Травматология ва ортопедияда замонавий диагностика ва даволаш усуллари» мавзуида республика ёш олимларининг илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.

● Пойтахтимиздаги Ўзбекистон Миллий боғида «Гиёвандлик — аср вабоси» шиори остида мактаб ўқувчи ва ўқитувчилари иштирокида тадбир ўтказилди.

● Бугун мамлакатимиз пойтахтида ҳаво бироз ўзгариб турди, ёғингарчилик бўлмади. Ҳаво ҳарорати кундузи 34-36 даража иссиқ бўлди.

Жаҳонда

● Жанубий Корея ва Япония ҳукуматлари янги эркин савдо зонасини барпо этиш бўйича музокара бошлади. Сеул учрашуви иштирокчилари давлалараро битимнинг лойиҳасини ишлаб чиқдилар.

● Жанубий Корея Президенти Ким Дэ Чжун Бош вазир ҳамда ҳукуматнинг олти аъзосини ўзгартирди. Янги Бош вазир этиб мамлакат тарихида биринчи марта 62 ёшли аёл Чанг Санг тайинланди.

● Маълумки, ўтган ҳафтанинг душанбасида АҚШ ҳарбий ҳаво кучларининг қирувчи самолётлари Афғонистоннинг Урузган қишлоғида ўтаётган тўй тантанасини ҳам янглиш бомбардимон қилган ва натижада тинч аҳоли орасидан 48 киши ҳаётдан кўз юмган эди. Шу муносабат билан АҚШ Президенти Жорж Буш Афғонистон Президенти Ҳамид Карзайга кўнгироқ қилиб, чуқур таъзия изҳор этди ҳамда ҳамдардлик билдирди. АҚШ Президенти фожеа сабаб жигарғўшасини йўқотган оилаларга ҳам ҳамдардлик билдирди. Фожеа сабабларини аниқлаш ишлари кетмоқда.

● Покистон расмий манбаларининг маълум қилишича, Афғонистоннинг Қандаҳор шаҳрида икки номаълум шахс АҚШ ҳарбийлари кетаётган машинага ҳужум қилган. Оқибатда беш нафар америкалик аскар ҳалок бўлган. Хабарларда айтилишича, жиноятчиларни қидирув ишлари ҳозирча натижа бергани йўқ.

● Аргентина суди собиқ диктатор Леопольдо Галтиери ҳамда махсус хизматнинг 30 нафардан ортиқ собиқ офицерларини ҳибсга олишга рухсат берди.

● Покистон ҳудуди устида ҳарбий топшириқ бажараётган АҚШнинг учувчисиз бошқариладиган «Global Hawk» жосус самолёти ҳалокатга учради.

● Шу йил Жанубий Кореянинг Пусан шаҳрида бўлиб ўтадиган XIV Осиё ўйинлари олдидан футбол бўйича қўрға ташлаш маросими бўлиб ўтди. Қитъанинг йигирма тўртта терма жамоаси олти гуруҳга бўлинди. Қурға натижасига кўра, Ўзбекистон терма жамоаси «D» гуруҳидан жой олди. Ушбу гуруҳда, шунингдек, Япония, Баҳрайн ҳамда Иордания футболчилари тўп сурадилар.

Пойтахтнинг бир куни

Янгиликлар, воқеалар



Пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган «TASHKENT TEA FACTORY» қўшма корхонасида ўз ишининг усталари — ғайратли ёшлар меҳнат қилишади. Сифатли чой маҳсулотларини қадоқлашда уларнинг ҳиссаси каттадир.

СУРАТДА: қадоқлаш цехи ишчилари ўз меҳнатлари маҳсулидан мамнун бўлишмоқда.

Тоҳир Ниғматуллин олган сурат.

Қисқа сатрларда

● **ТОШКЕНТ** Давлат иқтисодиёт университети қошидаги «Келажак илми» номли бизнес мактабида 2002-2003 йилги ўқув йилидан бошлаб ўқувчиларга менежерлик таълимининг янги замонавий услуби ўқитила бошланади. Бу ҳақда ўқитувчилар иштирокида бўлиб ўтган йиғилишда маълум қилинди. Дарвоқе, ушбу бизнес мактаби АҚШдаги бизнес мактаблари билан ҳам ҳамкорликни йўлга қўйди.

● **ҚАРИЯЛАРНИ** қадрлаш йили муносабати билан Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетида фахрий педагоглар иштирокида тадбир ўтказилиб унда университет раҳбарияти ташаббуси билан кекса ўқитувчилар фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи китоб нашрга тайёрланаётганлиги маълум қилинди.

● **ФИДОКОРЛАР** миллий демократик партиясининг Сергели туман кенгаши ташаббуси билан бўлиб ўтган тадбир «Референдум якунлари ва давлат ҳокимиятини ташкил этиш» деб номланди.

● **РЕСПУБЛИКА** Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли Онкология илмий марказида радиотерапия бўлими иш бошлади. Шуниси қувончлики, ушбу янги бўлим замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.

● **«ТОШҚИШЛОҚМАШ»** акциядорлик корхонаси маҳсулотлари сифати ўса бошлади. Аста-секинлик билан иқтисодий инқироздан чиқа бошлаган мазкур корхонанинг 1-цехида 350 хил маҳсулот тайёрлана бошлаганлиги яқинда ўтказилган йиғилишда маълум қилинди.

● **АМАЛИЙ** санъат музейида «COSCOM» уяли алоқа компанияси вакилларининг «Арт ҳамроҳ» рассомлар ижодий уюшмаси аъзолари билан учрашуви бўлиб ўтди. Учрашув қатнашчиларига эса иқтидорли ёш рассомлар яратган расмлар кўргазмаси намойиш этилди.

СПОРТ

«Футболимиз келажаги»:

шаҳар босқичи бошланмоқда

Маҳаллаларда оммавий спортни ривожлантириш, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида шахримизнинг барча туманларида футбол бўйича анъанавий «Футболимиз келажаги» кубоги турнири мусобақалари ўтказиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ва Тошкент шаҳар Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси, Жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Ички ишлар бош бошқармаси, Халқ таълими бош бошқармаси, Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси, Футбол федераciяси, «Ўзбектелерадио» компаниясининг «Ёшлар» ҳамда «Тошкент» телеканаллари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Экосан», «Соғлом авлод учун» халқаро жамғармалари, касаба уюшмалари федерацияси жисмоний тарбия ва спорт жамияти ўзаро ҳамкорлигида маҳалла ўсмирлари ўртасида ўтказилаётган ушбу футбол мусобақасининг шаҳар босқичи олдидан йиғилиш бўлиб ўтди.

— Маҳаллаларда оммавий спортни ривожлантириш соғлом турмуш тарзини шакллантиришда, маҳалла ёшларининг ёзги таътил кунларини беҳуда ўтказмаслик ва турли жиноят йўлларига кириб кетишларининг олдини олишда жуда катта роль ўйнамоқда, — деди тадбирда сўзга чиққан Республика «Маҳалла» жамғармаси раисининг ўринбосари Неъматилла Абдуллаев. — Ёшларимизнинг ушбу спорт турига қизиқишларини янада ошириш, ўтган йил тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда айрим йўл қўйилган хатоларни такрорламаслик, мусобақани ҳаққоний, одилона баҳолаб, юқори савияда ўтказишга эришишимиз лозим.

Турнирнинг туман босқичида ғолибликни қўлга киритган жамоалар аъзолари истиқомат қилувчи маҳаллалар оқсоқоллари, спорт мураббийлари, ички ишлар ходимлари ва фаоллар шаҳар босқичининг ўтказилишида нималарга алоҳида эътибор қаратиш, қатнашчиларнинг мусобақа шартларига тўла риоя қилишлари лозимлиги ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Шуни айтиш керакки, туманда биринчиликни қўлга киритган ғолиблар 15 июлда бошланадиган шаҳар босқичида иштирок этадилар. 9 ёшдан 11 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасидаги мусобақа «Донг» ва «А.Назаров» номли ўйингоҳда, 12 ёшдан 14 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасидаги мусобақа «Чилонзор» ва «Асбобсозлар» ўйингоҳида, 15-16 ёшдаги маҳалла ўсмирлари ўртасидаги мусобақа «Истиқлол» ва «Боғи Эрам» ўйингоҳларида ўтказилишига келишиб олинди.

Йиғилиш қатнашчилари «Қарияларни қадрлаш йили»да «Биз «Пахтакор» келажагимиз» шиори остида ўтказиладиган ушбу футбол мусобақаларининг ҳар томонлама пишиқ-пухта, ёшларимизни кенг жалб қилган ҳолда ўтказишга ҳамма бирдек масъул эканлигини ва ғалаба учун жон қуйдириб югуриб-елган, чиройли ўйин кўрсатган команда учун «соф ғалаба» албатта муҳимлигини ҳакамлар ҳам инобатга олишлари лозимлигини яна бир бор таъкидлаб ўтдилар.

Шоира МУҲАМЕДОВА

Республика «Маънавият ва маърифат» кенгаши мажлиси

Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган республика «Маънавият ва маърифат» кенгашининг навбатдаги мажлисида маданият, таълим-тарбия соҳаси ходимлари, ижодкор зиёлилар, ноширлар, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этди. Мажлисда маънавият ва маърифат ташкилотлари ҳамда матбуот, радио-телевидениенинг жамиятимиз ҳаётини эркинлаштиришнинг ҳозирги босқичидаги ўрни ва роли билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Мажлисни Бош вазир ўринбосари, мазкур кенгаш раиси Ҳ. Кароматов бошқарди.

Мажлис қатнашчилари Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Ҳ. Султоновнинг жамият ҳаётини эркинлаштиришнинг янги босқичида маънавият ва маърифат ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва роли тўғрисидаги маърузасини тингладилар. Маърузада мамлакатимиз Президенти ўзининг кейинги пайтдаги қатор чиқишларида, айниқса, маънавият ва маърифат намояндалари, журналистлар билан бўлган учрашувларда бу масалалар бўйича белгилаб берган устувор вазифаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Таъкидлаб ўтилдики, одамларни бугун дунёда рўй бераётган мураккаб ижтимоий-сиёсий жараёнлардан хабардор қилиш, ҳозирги кунинг долзарб масалалари бўйича жамоатчилик фикрини шакллантириш, уларнинг ён-атрофимизда бўлаётган воқеалардан тўғри хулосалар чиқариши учун кўмаклашиш маънавият ва маърифат, оммавий ахборот воситалари ходимларининг энг муҳим вазифаси, профессионал бурчи ҳисобланади.

Лекин, афсуски, бугунги кунда бу борадаги ишларни талаб даражасида деб бўлмайди. Хусусан, матбуотда, радио-телевидениеда бирёқлама ва саёз фикрлар, баландпарвоз гаплар устунлик қилмоқда, аксарият журналист ва шарҳловчилар фаолиятида профессионал маҳорат, билим ва журъат етишмайди.

Маълумки, 2001 йил 11 сентябрда Америка Қўшма Штатларида содир этилган мудҳиш террорчилик ҳужумларидан кейин жаҳондаги сиёсий вазият кескин ўзгара бошлади. Табиийки, бу жараёнлар бизнинг минтақамизга ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда. Бироқ бизнинг матбуотимиз саҳифаларида, радио-телевидение тўлқинларида халқаро майдондаги ана шу жараёнларни теран таҳлил ва талқин қилиш борасида ҳам оқсоқлик сезилмоқда.

Шунингдек, мажлис қатнашчилари томонидан жамиятимиз ҳаётида, мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётида рўй бераётган улкан ўзгаришларни кино ва театр санъатида, рангтасвир асарларида, бадиий адабиётда тўлақонли акс эттириш, бу ютуқларнинг бунёдкори бўлган замонавий қаҳрамон образини яратиш барча ижодкорларнинг муҳим вазифаси бўлиб қолаётгани яна бир бор таъкидлаб ўтилди.

Айниқса, сўз эркинлиги тамойили ҳаётга кенг жорий этилаётган ҳозирги шароит ҳар бир ижодкордан, маънавият ва маърифат соҳаси ходимларидан ижтимоий фаолликни, профессионал маҳорат, журъат ва қатъиятни талаб қилади, бинобарин, матбуотда айтилаётган ҳар бир фикр чуқур асосланган бўлиши зарур.

Бу масалада журналистларнинг ҳақ-ҳуқуқ ва эркинликлари қанчалик катта бўлса, масъулият ва мажбурияти ҳам шунчалик юксак бўлмоғи лозим.

(ЎзА).

Янги ташкил топган Тошкент политехника касб-ҳунар коллежида ўқув йили муваффақиятли якунланди. Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти оталиғида ҳамда бераётган кўмагида коллежнинг ўқув-техник негизи янада мустаҳкамланди.

Коллежда бирлашган кафедра

Олий ўқув юрти билан коллеж ўртасида тузилган шартномага асосан ҳам кўп ишлар қилинди. Бунда институтнинг «Машина ва жиҳозлар технологияси», «Технологик жараёнларни автоматлаштириш ва компьютерлаштириш», «Муҳандислик графикаси» кафедралари билан ҳамкорлик қўл келмоқда.

Бундан ташқари «Чарм буюмлари технологияси» ва «Трикотаж технологияси» кафедралари ҳам коллежга оталиқ ёрдамини кўрсатиб, ўқув жараёнларини замонавийлаштириш ишига ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Коллежда институтнинг бирлашган кафедраси очилиши ҳам ҳар икки томон учун манфаатли бўлди.

Янги ўқув йили олдидан ҳамкорлик шартномаси тузилди. Унда биргаликда услубий қўлланмалар яратиш ҳам кўзда тутилди.

Акбар АЛИЕВ

ФАН ОЛАМИДА

Технологик шароитлар яратилди

Машинасозлик саноатида, хусусан, самолётсозлик, автомобилсозлик, матбаачилик соҳаларида елимлар ҳам ўзига хос ўрин тутади. Деталлар ўта ишқаланганда, улар сирти силлиқлигини таъминлашда ҳам бу хил маҳсулот кўплаб ишлатилади.

Сиртларда доғлар қолдирмайдиган ва эритувчанлик даражаси юқори бўлган суюлтирувчи-эритувчилар таркибини яратиш ҳамда уларни олиш технологиясини такомиллаштириш борасида республикамизда жиддий изланиш олиб борилмоқда. Тошкент кимё-технология институти олимларининг қатор тадқиқотлари ана шу масалага қаратилган.

Олий ўқув юрти ёш тадқиқотчиларининг «Машинасозлик учун эритувчи олиш» деган мавзудаги изланишлари ҳам яхши натижа берди. Арзон ва хонаки маҳаллий хом ашёлардан янада сифатли, кам харажатли, қўлланилганда юқори самара берадиган эритувчилар олиш технологияси намуналари устида ҳам изланилди.

Бундай кузатишлар маҳаллий углеводород ресурслари асосида бензин эритувчиси таркиби аниқланиб, технологик шароитлари ҳам ўрганилди. Бунда лаборатория шароитида газконденсатга оид стандарт ускунадан фойдаланилди.

Ваҳобжон ҲАКИМОВ

Сўрангa, жавоб берамиз

Ишга қабул қилишда шахсий варақа, таржимаи ҳол, аввалги иш жойидан тавсифнома (характеристика) кабиларни топшириш шартми? Умуман, ишга қабул қилишда қандай ҳужжатлар талаб қилинади?

Х.Ҳамидов.

Ишга қабул қилиш вақтида талаб қилинадиган ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 80-моддасида кўрсатилган бўлиб, улар қуйидагилардан иборатдир:

паспорт ёки унинг ўрнини босадиган бошқа ҳужжатни, ўн олти ёшгача бўлган шахслар эса туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома ва турар жойидан маълумотномани;

меҳнат дафтарчаси, биринчи маротаба ишга кираётганлар бундан мустасно. Ўриндошлик асосида ишга кираётганлар меҳнат дафтарчаси ўрнига асосий иш жойларидан олган маълумотномани;

ҳарбий хизматга мажбурлар ёки чақирилувчилар ҳарбий билетни ёки ҳарбий ҳисобда турганлик ҳақида гувоҳномани;

махсус маълумотга ёки махсус тайёргарликка эга шахсларгина бажариши мумкин бўлган ишларга кираётганда олий ёки ўрта махсус ўқув юртини тамомлаганлиги ҳақидаги дипломни ёхуд бошқа тегишли ҳужжатни тақдим этади.

Ишга қабул қилишда ишга кираётган шахсдан қонун ҳужжатларида кўрсатилмаган ҳужжатларни талаб қилиш тақиқланади.

* * *

Алимент тўлаши шарт бўлган ота ёки она чет давлатга кетаётган бўлса алимент тўлашдан озод бўладими?

У.Холиқова.

Йўқ. Алимент тўлаши шарт бўлган шахс доимий яшаш учун ёки уч ойдан ортиқ муддатга чет давлатга кетаётганида қонунга мувофиқ ўзи таъминот бериши лозим бўлган алимент олувчилар билан Оила Кодексининг 130-134-моддаларига асосан алимент тўлаши тўғрисида келишув тузиши шарт.

Алимент тўлаш тўғрисида келишувга эришилмаган тақдирда манфаатдор шахс алимент миқдорининг пул билан тўланадиган қатъий суммада белгиланиши ва алиментни бирйўла тўлаш тўғрисида ёки алимент эвазига муайян мол-мулкни бериш ёхуд алиментни бошқа усулда тўлаш тўғрисида талаб билан судга мурожаат қилишга ҳақли.

* * *

Суднинг никоҳдан ажратиш ҳақидаги ҳал қилув қарори чиқарилганда давлат божи эр-хотиннинг қай биридан ундирилади?

Ш.Рустамова.

Суд никоҳдан ажратиш ҳақида ҳал қилув қарорини чиқариш пайтида никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ҳал қилув қароридан нусха берилаётганда эр-хотиннинг ҳар иккаласи ёки улардан бири тўлайдиган давлат божи миқдорини белгилаши лозим. Агар суд бу божни эр-хотиннинг ҳар иккаласидан ундиришни лозим деб топса, уларнинг ҳар бири тўлайдиган бож миқдорини белгилайди.

* * *

Менинг кенжа қизим ўта ишонувчан ва жуда содда. У бегоналар билан ҳам тез тил топишади, баъзида улар билан бирга кетиб ҳам қолади. Бу мени ташвишлантирянти. Уни шифокорга ёки руҳшуносга кўрсатишим керакми? Маслаҳат берсангиз.

Ш.Солиҳова.

Мутахассисларнинг фикрича, болаларда эмаклаш, тикка туриш, гапириш турли ёшда ва турлича бошланади. Худди шунингдек, ижтимоий меъёрларни ўзлаштириш ҳам бировда эрта, бировда эса кеч юз беради. Шу боисдан агарда қизча уч-тўрт ёшда бўлса, у ҳолда руҳшуносга кўрсатишга шошилмаслик керак. Фақатгина айрим нохуш ҳолатлар рўй бермаслиги учун уни кўчада узоқ вақт ёлғиз қолдирманг.

Аммо олти-етти ёшли болада меъёрлар ҳақида тушунча бўлиши лозим. Лекин у айнан мана шу даврда дуч келган одам билан очиқ-ойдин мулоқотга киришса, ўз муаммолари билан бемалол ўртоқлаша олса, оилада ҳам ўзини одатдан ташқари ҳолатда тутса — унда руҳшунос маслаҳатига таянганингиз маъқул.

Борди-ю агар у руҳшунос билан ҳам худди шундай муносабатда бўлса, болалардаги бундай ҳолатни унинг ёшига оид нуқсон деб баҳолаш мумкин. Бу улардаги руҳий камчилик ҳисобланади.

Ҳурматли ҳамшаҳарлар! Ўзингизни қизиқтирган масалалар юзасидан 139-55-83 телефонига қўнғироқ қилсангиз, малакали мутахассислар ёрдамида саволларингизга батафсил жавоб беришга ҳаракат қиламиз.

ТАДҚИҚОТЛАР

Дастурий-алгоритмик воситалар

Газни қайта ишлашни саноат асосида ривожлантириш халқ хўжалигида муҳим ўрин тутади.

Газни қайта ишлаш корхоналарида технологик жараёнларни экологик мониторинг натижаларини ҳисобга олган ҳолда бошқаришнинг дастурий-алгоритмик воситалари ишлаб чиқилиши ҳам айни муддао бўлди.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг «Алгоритм-инжинеринг» институти олимлари томонидан тайёрланган ушбу йўриқнома доирасида кўп ишлар қилинмоқда. Айниқса, ноқулай метерологик шароитларда ҳавога чиқаётган зарарли чиқиндиларни тартибга солишга қаратилган технологик жараёнлар билан боғлиқ изланишлар ҳам муҳим амалий аҳамият касб этди. Ҳавонинг ер усти қатламида ифлосланишини тезкор усулда қисқа муддатли башорат қилиш алгоритмлари ва дастурлари ҳам юзага келди. Бу эса чиқиндиларда ифлослантирувчи моддалар концентрациясининг ошиши сабабларини атрофлича таҳлил қилиш имконини беради.

Ушбу изланиш натижалари амалиётга татбиқ этила бошланди.

(Ўз мухбиримиз)

ЁЗ — ЎТМОҚДА СОЗ

ҲАМЖИҲАТ ЁШЛАР

Ёшларнинг чинакам таянчига айланган «Камолот» ижтимоий ҳаракати томонидан олиб борилаётган амалий тадбирлар самараси келажак авлоднинг ҳар томонлама етук ва баркамол бўлиб тарбияланишига қаратилганки, бундай ижобий ишлар ҳақида сўзламай иложимиз йўқ.

Маълумки, Тошкент шаҳар Болалар ташкилоти бугунги кунда «Камалак» номи остида фаолият юритмоқда. Ушбу ташкилотнинг Акмал Икромов тумани бўлимида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши ҳамда туман хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида «Камалак» болалар ташкилотининг 7 йўналиш бўйича маҳаллаларда ташкил этилаётган «Камалак» майдончалари ёшларнинг таътилдаги бўш вақтларидан унумли фойдаланишларида катта ҳисса қўшмоқда. Бундан тумандаги барча маҳаллалар аҳли мамнун.

Шунингдек, туман «Маҳалла» хайрия жамғармаси бўлими ҳамда туман спорт қўмитаси ҳамкорлигида маҳаллаларда ташкил қилинаётган кутубхона ва «Соғлом-лаштириш марказ»лари бугунги кунда ёшларнинг севимли масканига айланиб бормоқдаки, буни тумандаги 287 ва 297-мактаб ўқувчилари, шунингдек, Курилиш коммунал касб-ҳунар коллежи талабаларининг тиришқоқлигидан ҳам билса бўлади.

Орзугул РУСТАМОВА

ОРОМГОҲЛАРДА

Мириқиб дам олишмоқда

Денгиз сатҳидан баландликда жойлашган «Автомобилчи» кичкинтойларнинг дам олиш оромгоҳи Бўстонлиқ тумани Хондайлиқ қишлоғининг қоқ ўртасида жойлашган бўлиб, зилол сувлари, ширин-шакар мевалари билан ҳар томонлама ажралиб туришида кўпгина маъно бор.

Дарвозадан киришингиз билан болаларнинг шўх-шодон овозларидан бахраманд бўласиз. Фарзандларимизнинг яхши тарбия топиши, маънавий фазилатлар эгаси бўлиб вояга етиши, ҳаётга нечоғлик фаол муносабатда бўлишига ана шундай оромгоҳларда дам олиши, ҳар томонлама етук ва баркамол ўсишларида бу ердаги кенг кўламдаги тадбирларнинг ҳам аҳамияти каттадир. У 1986 йилда Йўлдош Очилов директор лавозимига тайинланганда сўнг оромгоҳ ўзгача қиёфа кашф этди, мевали ва манзарали дарахтлар бўй чўзди. Директор раҳбарлигида 1770 туп мевали дарахтлар ўтказилди. Ҳозирги мавсумда олма, ўрик, шафтоли, олхўрилар ҳосилидан дам олувчилар бахраманд бўлмоқдалар.

«Автомобилчи» дам олиш масканининг мусаффо ҳавосида яқинда 330 та бола ёзги таътилларини мароқли ўтказишга муяссар бўлди. Иккинчи мавсумда ҳам 10 та тарбиячи, 10 та етакчи вожатийлар 400 нафар фарзандларимизнинг маданий хордиқ чиқаришида муносиб ҳисса қўшишмоқда.

Бош тарбиячи Низомий номидаги Тошкент педагогика университети кафедра бошлиғи Зуҳра Мавзумова, тўғарак раҳбарлари Фотима Носирова, Малика Акимова, Анатолий Казаковлар дам олиш ва маданий маърифий ишларни тўғри ташкил этишда, болаларни янги ўқув йилига тайёрлашда ўзларининг қизиқарли дастурларидан унумли фойдаланмоқдалар.

Бу ерда 300 нафар кичкина томошабинларга мўлжалланган ўйингоҳ ҳеч бўш турмайди. «Нурафшон», «Зилола», «Камалак» дам олиш оромгоҳлари билан ўтказилган турли спорт беллашувларида «Автомобилчи» ғолиб келиб, ўз мухлисларини мамнун этди.

Зиё маскани — кутубхона доим ўз ўқувчилари билан гавжум. Қизиқарли саргузашт китоб ва кундалик газеталарни мутолаа хонасида ўтириб ўқишингиз ҳам мумкин. Бу зиё масканида 100 га яқин кичик китобсеварлар бор.

Маданият ва маънавият хонаси дид билан безатилган ва режа асосида турли тадбирлар уюштирилади. Дам олувчи ўғил-қизларимиздан Аббос Ҳусанов, Валерий Терехин, Шоҳсанам Мусаева, Беҳзод Бурхоновлар ёзги таътилнинг ушбу оромгоҳда соз ўтаётганидан мамнун эканликлари ҳақида хурсанд бўлиб сўзладилар.

Ҳавоси тоза дам олиш оромгоҳининг истиқболи янада порлоқ. Ҳозирги долзарб кунда бу ерда катталар дам олиш оромгоҳини бунёд этиш ишлари бошлаб юборилди. Келажакда ҳордиқ чиқарувчилар учун 4 та коттеж, сауна, ҳовузлар фойдаланишга топширилади ва катталар ҳам якка тартибда ва оилавий дам олиш имкониятига эга бўладилар.

Фаттоҳ АБДУРАҲИМОВ

СУРАТЛАРДА: «Автомобилчи» дам олиш оромгоҳидан лавҳалар.

Муаллиф олган суратлар.

Душанба 15

1 TV

Телетомошабинлар диққатига!
Профилактика муносабати билан душанба, 15 июль куни «Ўзбекистон» телеканали кўрсатувлари соат 15.00 дан бошлаб кўрсатилади.
15.00 «Таҳлилнома».
15.45 ТВ клип.
15.50 «Ошин». Телесериал.
16.20 «Обод уйда пок одамлар яшайди».
16.40 «Жаҳон киноси юлдузлари».
Ёзги таътил кунларида: «Болалар сайёраси».
17.00 1. «Улғайиш поғоналари». 2. «Олтин тож». Телевизион ўйин.
18.00 Янгиликлар
18.10 «Мулк».
18.30 «Олтин мерос».
18.45 «Бахтли воқеа». Телелотерея.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 Биржа ва банк хабарлари.
20.30 «Ахборот».
21.05 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 11 йиллигига, «Ўзбектелефильм» намойиши: «Оғир синовлар даври». Премьера. 1-қисм.
21.30 «Бир жуфт қўшиқ».
21.40 2002 йил - Қарияларни қадрлаш йили, «Париси бор уй».
22.10 «Оқ йўл!» Шаҳнозабону қуйлайди.
22.45 «Спорт, спорт, спорт».
23.00 «Ахборот-дайжест».
23.20-23.25 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR Telekanali

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр» тонги.
10.00 «Янги авлод» студияси: болалар учун концерт.
10.15 «Кундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал.
10.30 Саломатлик сирлари.
10.50 Мусиқий лаҳзалар.
11.00 «Давр» хафта ичида.
11.30 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал.
12.20 «Давр»-news.
12.40 «Янги авлод» студияси: «Мураббий». Видеофильм.
13.30 ТВ-анонс.
13.40 Болалар экрани. «Маринка, Янка ва кирол қасрининг сири».
14.55 Спорт хафтаномаси.
15.10 «Армонли дунё». Бадиий фильм.
16.40 Соғлиқни сақлаш вазирлиги тақдим этади: «Илк туйғу» видеофильми. 1-қисм.
17.05 Кўрсатувлар дастури.
17.10 «Янги авлод» почтаси.
17.30 «Кундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал.
17.45 Халқаро фестиваллар совриндори Сухроб Кенжаев куйлайди.
18.10 Ўзбегим қураши.
18.30 Тафаккур ёлқинлари.
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 Кўҳна оҳанглар.
19.50 Илдиз ва яп-роқ.
20.10 Ёшлар овози.
20.30 Муҳаббат қўшиқлари.
20.50, 21.25, 22.35 Эълонлар
20.55 «Эсмеральда». Телесериал.
21.30 Қишлоқдаги тенгдошим.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.40 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.05 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол. Танаффус пайтида — 23.50 «Давр». Ахборот дастури.
00.55-1.00 «Хайрли тун!»

ТТВ

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал «Официна баридан чиққан фирибгарлар». 31-қисм.
17.55, 19.10, 22.00 «Экспресс» телегазетаси.
18.15 «Болажонлар экрани».
18.30, 20.00, 21.15, 22.20 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 «Халқ саломатлиги йўлида».
19.30 «Авто-news».
19.45 «Аёл-она, мураббий, раҳбар» телеклуби.
20.30 ТТВда сериал: «Бебилиска пул» (якунловчи)
21.35 «ТВ плюс».
22.45 Кинонигоҳ. «Бахтли ҳодиса».
00.15-00.20 «Хайрли тун, шаҳрим!»

4 TV

16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 «Вести».
17.15 «Ҳазил кетидан ҳазил». Ҳажвий журнал.
18.20 «Қойилмақом». Бадиий фильм.
20.00 «Время».
20.35 «Заиф бўғин». Шоу ўйин.
21.25 CFI тақдим этади: «Цирк».
22.20 Кинематограф. «Роберсонлар ва полициячилар». Бадиий фильм.
23.45 «Ахборот» (рус тилида)
00.20 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30 KANAL

16.55 гача профилактика ишлари.
16.55 Дастурнинг очилиши.
17.00 Шоу соати.
17.40, 20.35 — «Телеҳамкор».
18.00 «Ўртоқ бошлиқ». Сериал.
19.00 «30-канал» киноокшоми: «Кўча дайдилари».
21.00 «Хайрли тун, кичкинтойлар!».
21.15 «Ошиқона», мусиқий дастури.
21.30 «30-канал» киноокшоми: «Брайтон-Бичлик полициячи».
23.15 «Тез ёрдам». Сериал.

1

16.55 гача профилактика ишлари.
16.55 Дастурнинг очилиши.
17.00 Шоу соати.
17.40, 20.35 — «Телеҳамкор».
18.00 «Ўртоқ бошлиқ». Сериал.
19.00 «30-канал» киноокшоми: «Кўча дайдилари».
21.00 «Хайрли тун, кичкинтойлар!».
21.15 «Ошиқона», мусиқий дастури.
21.30 «30-канал» киноокшоми: «Брайтон-Бичлик полициячи».
23.15 «Тез ёрдам». Сериал.

РТР

8.45 га қадар профилактика.
8.45 Ҳафталик «Вести».
9.40 «Сенинг ёнингда». Ток-шоу.
10.30 «Бетти». Комик сериал.
11.00, 14.00, 17.00 «Вести».
11.20 Спорт-«Вести».
11.25 «Аёл нимани истайди?». Ток-шоу.
12.10 «Ёввойи фаришта». Сериал.
13.10 «Дўстлар-5». Комик сериал.
15.35 «РТР экспертизаси».
13.40 «Хронограф».
14.20 «Қари вайсақилар жунбушга келишди». Комедия.
16.00 «Комиссар Рекс». Сериал.
16.50 «Хайрли тун, кичкинтойлар!».
17.35, 20.20 «Вести-Москва».
17.55 «Касби-терговчи». Детектив сериал.
18.55 «Агата Кристи Пуароси».
20.00 «Вести-тафсилотлар».
20.30 «Америка қизи». Фильм.
22.30 Футбол. Россия чемпионати. «Динамо» — «Спартак» (Москва).
0.05 «Ҳафта спорти».

НТВ

5.00, 5.30, 6.00, 6.30, 7.00, 7.30 «Бугун».
5.05, 5.35, 6.10, 6.35, 7.10, 7.35, 7.40 НТВда «Тонг».
7.50 «Золушкага ов».
9.00, 11.00, 13.00, 15.00, 18.00, 21.00 «Бугун».
9.25 «Юзма-юз».
9.55 «Рисоладагидек жуфтлик».
11.20, 14.40 «Мазали ҳикоялар».
11.35 «12 стул».
13.20 «Домино қонуни». Ток-шоу.
15.25 «Ажал доктори».
16.00 «Кикбоксер—3». Жангари фильм.
18.35, 22.30 «Чироғи синган қўчалар».
19.45 «Катта шаҳар томлари остида». Фильм премьераси.
21.35 «Тез ёрдам—4». Сериал.
23.35 «Омадли». Телеўйин.
0.10 «Боқий муҳаббат». Фильм.
0.55 Криминал.

ТВ

9.00 «Эътиқодлининг овози».
9.30 «Саншайн-Менордаги қотиллик». Фильм.
11.00 «Эми ортидан қувиш». Б\ф
13.30 «Марта ҳақида баъзи тафсилотлар». Б\ф
15.30 «Туш ва ўнгдаги парвозлар».
17.25 «Наталья Крачковская билан муаммоларни ҳал қилиш».
18.00 «Менинг ёқимтойим». Б\ф
19.30 «Мағлуб қилувчи ўқ». Б\ф
22.00 «Симпатико». Б\ф
24.00 Соғлом бўлишни истасанг.
00.30 «Мерос учун ов». Б\ф

RENTV

7.00 «Махфий ҳужжатлар». Телесериал.
8.30 «Метро».
8.45, 18.00 «Папируснинг саргузаштлари». Мультсериал.
9.10, 17.30 «Пауэр Рейнжерс ёки қудратли Рейнжерлар». Телесериал.
9.35, 17.00 «Вуншпунш». Мультсериал.
10.05, 16.30 «Инспектор Гаджет». Мультсериал.
10.30, 14.30, 18.30, 22.30 «24». Ахборот дастури.
10.45 «Жиян ёки рус бизнеси-2». Авантюра комедияси.
13.30 «Нельсон Рокфеллер». Ҳужжатли фильм.
14.45 «Шоҳид».
15.15 «Зарбдор қуч». Телесериал.
18.50 «Яго, қора эҳтирос». Теленовелла.
19.55 «Ўзга дунёдан». Ҳужжатли фильм.
20.25 «МЭШ». Комик сериал.
20.55 «Олисга қатновчилар». Телесериал.
22.00 «Гриффинлар». Мультсериал.
23.00 «Катаклизм — 2000». Фантастик жангари фильм.
1.15 Футбол қурьери.
1.50 Тунги мусиқий канал.

ТНТ

6.00 «Истак ҳокимияти». Сериал.
7.00, 15.00 «Кэнди-Кэнди». Мультсериал.
7.30 «Жасурлар». Сериал.
8.00, 17.00 «Лус-Мария». Сериал.
9.00 «Иккинчи ташриф». Фильм.
11.25, 18.30 Аёллар ҳаётидан.
11.55, 13.30 Теледўкон.
12.00 «Сегоднячко» хафта ичида. Дайжест.
13.00, 14.20 Дивандаги дўкон.
13.10 ТНТда хит-парад.
14.30, 21.00 «Динозаврчалар». Мульсериал.
15.30 «НУЖ кундаликлари». Ҳужжатли сериал.
16.00, 2.05 «Омад аскари ЛТД: Махсус отряд-2». Сериал.
18.00, 1.45 «Яширин камера билан».
19.00 «Ниндзя тошбақачалар». Мультсериал.
19.25 «72 соат». Детектив сериал.
20.30, 1.20 «Ўйлаб топилмаган воқеалар». Сериал.
21.30 «Акселератка». Комедия.
23.45 ТНТда мусиқа.
0.00 «Истагангингни қил». Мелодрама. 1-серия.

ТВЦ

7.00 «Кайфият».
10.05 «Бир кун қанотларимиз ўсиб чиқади». Телесериал.
10.50 «Хайвонлар олами». Ҳужжатли фильм.
11.45 «Ёғоч одамчалар». Мультфильм.
12.00, 15.00, 19.00, 23.00 Воқеалар. Москва вақти.
12.15 Теледўкон.
12.30 «Сана» телеканали.
13.30 «Постскриптум» Алексей Пушков билан.
14.30 Тадбиркор Москва.
15.15 "Инспектор Деррик". Криминал сериал.
16.20 Ўз уйингга кир.
16.30 Қўш портрет.
17.00 Ҳудудлар: тўғридан-тўғри мулоқот.
17.30 «Пик исмли сичқонча». Мультфильм.
17.45 «Ислоҳчилар исёни». Фильм.
18.15 Материк.
19.15 Мода non-stop.
19.40 «Олтин болакай». Мультфильм.
20.05 "Ҳукуқсиз севги". Телесериал.
20.40 Ўзингга йўл.
20.50 Тадбиркор Москванинг беш дақиқаси.
21.10 «Контрабанда». Бадиий фильм.
23.45 Времечко.
24.15 «Комиссар Мулен». Телесериал.
1.10 25-соат. Воқеалар. Москва вақти.
1.30 Петровка, 38.
1.50 Телебукмекер.
2.10 Бизни ўраб турган олам.

Сешанба 16

1 TV

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 - 8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.35 «Соғлом она - соғлом бола».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 «Тиббиёт одимлари».
10.15 «Саёҳатлар эртаги». Бадиий фильм.
11.55, 16.50 ТВ анонс.
12.05 «Мулк».
12.25 «Париси бор уй».
12.55 «Оқ йўл!» Шаҳнозабону куйлайди.
13.50 ТВ клип.
14.10 Кундузги сеанс: «Шум бола». Бадиий фильм.
15.40 «Қалб гавҳари». Ёзги таътил кунларида: «Болалар сайёраси».
16.00 «Покахонтас». Мультсериал премьераси.
16.55 «Ватанимга хизмат киламан».
18.10 «Баркамол авлод орзуси».
18.30 «Қалқон».
18.50 Бир жуфт қўшиқ.
19.05 «Тафсилот».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 11 йиллигига. «Ўзбектелефильм» намойиши: «Оғир синовлар даври». Премьера. 2-қисм.
21.30 «Ўзбекистон - Ватаним маним».
21.50 «Солиқ ва биз».
22.05 «Ўзбекистон» каналида илк маротаба: «Ошин». Телесериал премьераси.
22.35 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 11 йиллигига «Тарих кўзгуси». 3-қисм.
23.00 «Ахборот - дайжест».
23.20-23.25 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR Telekanali

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» почтаси.
9.35 «Кундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал.
9.50 Бизнес-академия.
10.10 Мусиқий лаҳзалар.
10.20 «Эсмеральда». Телесериал.
10.50 Жаҳон жуғрофияси.
11.40 Ёшлар овози.
12.00 Болалар экрани «Менинг шотландиялик дўстим». 1-қисм.
12.30 «Гуллар шаҳри». Мультфильм.
12.55 Интерфутбол.
14.35 Кўҳна оҳанглар.
14.50 «Севги афсонаси». Бадиий фильм. 1-қисм.
16.05 Соғлиқни сақлаш вазирлиги тақдим этади: «Илк туйғу» видеофильми. 2-қисм.
16.30 «Алла». Ҳужжатли фильм («Ўзбектелефильм»).
16.50 Кўрсатувлар дастури.
16.55 «Янги авлод» студияси: «Дунё ва болалар».
17.15 «Кундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал.
17.30 Солиқ ҳақида саволлар.
17.45 ТВ-анонс.
17.55 Олов билан юзма-юз.
18.10 Автопатруль.
18.30 Сифат белгиси.
18.40 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 «Давр»-интервью.
19.55 Марду майдон.
20.15 Дийдор.
20.35 Ёшлик наволари.
20.50, 21.25, 22.35 Эълонлар
20.55 «Эсмеральда». Телесериал.
21.30 Ёшлар овози.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.40 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.05 «Ёшлар» телеканалида спорт: Нокаут.
23.30 «Давр». Ахборот дастури.
23.45-23.50 «Хайрли тун!»

ТТВ

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал «Официна баридан чиққан фирибгарлар». 32-қисм.
17.55, 19.05, 21.35 «Экспресс» телегазетаси.
18.15 «Болажонлар экрани».
18.30, 20.00, 21.15, 22.25 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 «Дурдона».
19.25 «Нима учун?»
19.45 «Жозиба».
20.30 ТТВда сериал: «Афсунгар».
21.55 «Туризм ҳақида».
22.50 Кинонигоҳ. «Нил дарёсидаги олишув». 1-қисм.
00.20-00.25 «Хайрли тун, шаҳрим!»

4 TV

РЖТ 6.30-8.00
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 «Вести».
17.15 «Оилавий ришталар». Сериал.
18.15 «Билл Гейтс - компьютер султони». Ҳужжатли фильм.
18.55 «Микрокосмос».
20.00 «Время».
20.35 «Ким миллионер бўлишни истайди?» Телеўйин.
21.25 «Азиз инсонлар».
21.45 «Соната» гурухи концерти.
21.55 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
22.05 Кинематограф. «Гаграда қиш оқшоми». Бадиий фильм.
23.30 «Ахборот» (рус тилида)
00.05 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30 KANAL

9.00 Дастурнинг очилиши.
9.05, 17.40, 20.35 — «Телехамкор».
9.30, 14.15 — Болалар соати.
10.15 «Ботирлар». Сериал.
10.40 «Жанговор санъат олами». Спорт дастури.
11.10 «Иблис боласи». Телесериал.
12.00 «Денгиз овчиси». Саргузашт фильм. 1-серия.
13.30 «Яго зулмат эҳтироси». Сериал.
15.00 Кундузги кинозал: «Магдаленанинг сокин эҳтиросларн». Сериал.
16.40 «Футурама». Мультсериал.
17.00 Шоу соати.
18.00 «Ўртоқ бошлиқ». Сериал.
19.00 «30-канал» киноокшоми: «Кейинги бекат — мўъжизалар мамлакати».
21.00 «Хайрли тун, кичкинтойлар!».
21.15 «Ошиқона». Мусиқий дастур.
21.30 «30-канал» киноокшоми: «Муэликлар орасида ўлим».
23.15 «Тез ёрдам». Сериал.

1

5.00 «Хайрли тонг» телеканали.
8.00, 11.00, 14.00, 17.00 Янгиликлар.
8.15, 17.15 «Оилавий ришталар». Сериал.
9.10 «Шиддатли». Жангари фильм.
10.05, 14.45 «Аралашқуралаш».
10.20 «Нима ва қандай».
10.35 «Дисней-клуб».
11.15 «Ой шуъласи» детектив агентлиги». Сериал.
12.15 Мустақил текширув.
13.00 «Халқ қарши». Телеўйин.
14.15 «Ёввойи нарсалар». Ҳужжатли сериал.
14.55 «Хозир ёки ҳеч қачон». Сериал.
15.50 «Саломея». Фильм.
18.15 «Паҳлавон Жо Янг». Фильм.
20.00 «Время».
20.35 «Ким миллионер бўлишни истайди?». Телеўйин.
21.25 Лубянка. «Иуда тамғаси остида».
22.05 «Хитой миршаби». Сериал.
23.00 Тунги «Время».
23.30 Рус экстрими.
24.00 «Мингйиллик». Мистик триллер.
00.50 «Ҳеч қаерлик одам». Триллер.

РТР

02.50 — 06.00 РТР тонги.
6.00, 8.00, 11.00, 14.00, 17.00 «Вести».
6.10 «Лос Анжелесдаги саратон». Детектив сериал.
7.00 «Мангу даъват». Сериал.
8.20 «Тергов амалиётидан бир воқеа». Детектив.
10.10 «Золушка». Мультфильм.
10.30 «Бетти». Комик сериал.
11.20 Спорт-«Вести».
11.25 «Аёл нимани истайди?». Ток-шоу.
12.10 «Ёввойи фаришта». Сериал.
13.10 «Дўстлар-5». Комик сериал.
13.45 «Афиша».
14.20 «Собиқлар иттифоқи». Ҳужжатли фильм.
15.05 «Йўл назорати».
15.15, 17.35, 20.20 «Вести-Москва».
15.50 «Комиссар Рекс». Сериал.
16.50 «Хайрли тун, кичкинтойлар!».
17.35, 20.20 «Вести-Москва».
17.55 «Касби-терговчи». Детектив сериал.
18.55 «Агата Кристи Пуароси».
20.00 «Вести-тафсилотлар».
20.30 «Америка қизи». Фильм.
22.30 «Кизиккон ўнлик».

НТВ

5.00, 5.30, 6.00, 6.30, 7.00, 7.30 «Бугун».
5.05, 5.35, 6.10, 6.35, 7.10, 7.35, 7.40 НТВ да «Тонг».
7.50 «Полициячилар: зиҳарадаги қотил». Фильм.
9.00, 11.00, 13.00, 15.00, 18.00, 21.00 «Бугун».
9.25 «Диққат: қидирув!». «Ўддабуронлар».
10.15 Хонадон масаласи.
11.20, 14.40 «Мазали ҳикоялар».
11.35 «12 стул».
13.20 «Домино қонуни». Ток-шоу.
15.20 «Ажал доктори».
15.50, 19.45 «Катта шаҳар томлари остида».
17.00 «Иблис юмуш». Сериал.
18.35, 22.30 «Чироғи синган қўчалар».
21.35 «Тез ёрдам—4». Сериал.
23.35 «Омадли». Телеўйин.
0.10 «Учаётган юлдуз». Триллер.
0.55 Криминал.

ТВ

9.00 «Эътиқодлининг овози».
9.30 «Туш ва ўнгдаги парвозлар».
11.30 «Менинг ёқимтойим». Б\ф
13.00 «Мағлуб қилувчи ўқ». Фильм.
15.30 «Мерос учун ов». Б\ф
17.50 «Люба хонимга ташаккур билан».
18.00 «Йўқни йўндирма». Фильм.
19.30 «Ажал кўрфази». Фильм.
22.00 «Саҳро шамани». Б\ф
0.05 «Башоратчи Анна билан учрашув». Кўрсатув.
0.30 «Симпатико». Б\ф

RENTV

7.00 Мусиқий канал.
8.30, 18.00 «Папируснинг саргузаштлари». Мультсериал.
9.00, 17.30 «Пауэр Рейнжерс ёки қудратли Рейнжерлар». Телесериал.
9.30, 17.00 «Вуншпунш». Мультсериал.
10.00, 16.30 «Инспектор Гаджет». Мультсериал.
10.30, 14.30, 18.30, 22.30 «24». Ахборот дастури.
10.45 «Катаклизм — 2000». Фантастик жангари фильм.
13.30 «Гру». Ҳужжатли фильм.
14.45 «Шоҳид».
15.15, 20.55 «Олисга қатновчилар». Телесериал.
18.50 «Яго, қора эҳтирос». Теленовелла.
19.55 «Ўзга дунёдан». Ҳужжатли фильм.
20.25 «МЭШ». Комик сериал.
22.00 «Гриффинлар». Мультсериал.
23.00 «Шунчаки муҳаббат». Комик мелодрама.
1.45 «Қўрқичи». Детектив комедия.

ТНТ

6.00 «Истак ҳокимияти». Сериал.
7.00, 15.00 «Кэнди-Кэнди». Мультсериал.
7.30 «Жасурлар». Сериал.
8.00, 17.00 «Лус-Мария». Сериал.
9.00 «Акселератка». Комедия (1987).
11.00 «Аждар ҳақидаги эртакнинг янгича талқинлари». Мультфильм.
11.40, 13.30 Теледўкон.
11.10, 18.30 Аёллар ҳаётидан.
11.40, 13.30 Теледўкон.
11.45, 19.25 «72 соат». Детектив сериал.
12.50, 14.20 Дивандаги дўкон.
13.00 ТНТда хит-парад.
14.30, 21.00 «Динозаврчалар». Мульсериал.
15.30 «НУЖ кундаликлари». Ҳужжатли сериал.
16.00, 2.25 «Омад аскари ЛТД: Махсус отряд-2». Сериал. Сўнгги қисм.
18.00, 2.05 «Яширин камера билан».
19.00 «Ниндзя тошбақачалар». Мультсериал.
20.30, 1.40 «Ўйлаб топилмаган воқеалар». Сериал.
21.30 «Жиноят ва эҳтирос». Триллер.
24.00 ТНТда мусиқа.
0.15 «Истагангингни қил». Мелодрама. 2-серия.

ТВЦ

7.00 «Кайфият».
10.05 «Бир кун қанотларимиз ўсиб чиқади». Телесериал.
10.55 «Болалар хайвонларни қутқаради». Телесериал (АКШ).
11.20 «Земляника мамлакати сири». Мультфильм.
11.40 Петровка, 38.
12.00, 15.00, 19.00, 23.00 Воқеалар. Москва вақти.
12.15 Теледўкон.
12.30 «Сана» телеканали.
13.30 «Ҳақиқат лаҳзаси».
14.30 Тадбиркор Москва.
15.15 «Инспектор Деррик». Криминал телесериал.
16.20 Муваффакиятга қандай эришиш мумкин.
16.30 Мусиқали серпантин.
17.00 Ҳудудлар: тўғридан-тўғри мулоқот.
17.30 Мен — онаман
17.55 «Ислоҳчилар исёни».
18.25 Ёриб ўтиш.
19.15 «Мен мусиқий қишлоқда туғилганман...».
20.00 «Ҳукуқсиз севги». Телесериал.
20.50 Тадбиркор Москванинг беш дақиқаси.
21.05 Шаҳар билан юзма-юз.
22.15 Детектив-шоу.
23.45 Времечко.
24.15 «Комиссар Мулен». Телесериал.
1.10 25-соат. Воқеалар. Москва вақти.
1.30 Петровка, 38.
1.50 Телебукмекер.
2.10 Алексей Глызин концерти.

Чоршанба 17

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 -8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Танбур».
9.20 «Бахтимизга омон бўлинг».
9.40 «Тафсилот».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 Алифбо сабоқлари.
10.25 «Нозигойим». Бадиий фильм.
11.50, 16.50 ТВ клип.
12.05 Болалар учун. «Миттивойлар оиласи».
12.25 «Аския».
12.45 «Баркамол авлод орзуси».
13.05 «Ринг».
13.25 «Ошин». Телесериал.
13.55 ТВ анонс.
14.10 «Остонаси тиллодан».
14.30 Кундузги сеанс: «Сўнгги пушаймон». Бадиий фильм.
15.40 «Талабалик йиллари».
16.00 «Ягона оилада».
16.30 «Меҳр қолур».
Ёзги таътил кунларида: «Болалар сайёраси»:
17.00 1. «Болалар ва катталар». 2. «Сеҳрли ҳарфлар оролчаси».
18.10 «Сиҳат-саломатлик».
18.30 «Ўзбекистон ифтихорлари». Спорт дастури.
18.50 «Аёл - дунёни тебратар».
19.10 Эстрада тароналари.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 ТВ клип.
20.30 «Ахборот».
21.05 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 11 йиллигига. «Ўзбектелефильм» намойиши: «Оғир синовлар даври». Премьера. 3-қисм.
21.30 «Бир жуфт қўшиқ».
21.40 «Таянч нуқтаси».
22.00 «Ўзбекистон» каналида илк маротаба: «Ошин». Телесериал премьераси.
22.30 «Спорт, спорт, спорт».
22.45 «ТВ-клуб».
23.10 «Ахборот -дайджест».
23.30-23.35 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Дунё ва болалар».
9.35 «Қундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал.
9.50 «Давр»-интервью.
10.05 Мусиқий лаҳзалар.
10.15 «Эсмеральда». Телесериал.
10.45 Солиқ ҳақида саволлар.
11.00 «Жиловланмаган Африка». Ҳужжатли сериал.
11.50 Ёшлар овози.
12.10 Болалар экрани. «Менинг шотландиялик дўстим». 2-қисм.
12.40 «Пуф ва жаноб Хеч ким», «Сеҳрли аждар». Мультфильмлар.
13.30 Кўҳна оҳанглар.
13.45 «Ёшлар» телеканалида спорт: Теннис.
14.25 Ўзбегим қураши.
14.45 «Севги афсонаси». Бадиий фильм. 2-қисм.
15.45 Илдиз ва яproқ.
16.05 Автопатруль.
16.25 ТВ-анонс.
16.35 Кўрсатувлар дастури.
16.40 «Янги авлод» студияси: «Билағон маслаҳати», болалар учун концерт.
17.00 «Қундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал.
17.15 Болажон.
17.30 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.
18.20 Чемпион сирлари.
18.40 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 Ракурс.
20.00 Спортлото.
20.10 Ўзбек мумтоз мусиқасидан.
20.15 Очил дастурхон.
20.30 «Ёр ишқи». Мусиқий дастур.
20.50, 21.25, 22.35 Эълонлар
20.55 «Эсмеральда». Телесериал.
21.30 Ёшлар овози.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.40 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.05 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол. Танаффус пайтида — 23.50 «Давр». Ахборот дастури.
00.55-1.00 «Хайрли тун!»

ТТВ

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал «Официна баридан чиққан фирибгарлар». 33-қисм.
17.55, 19.10, 22.20 «Экспресс» телегазетаси.
18.15 «Спорт ва болалар».
18.30, 20.00, 22.00, 22.40 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 «Аёл қалби».
19.30 «Мусиқий меҳмонхона».
19.50 «Эҳтиром ила».
20.30 ТТВда сериал: «Афсунгар».
21.15 «Дорихона эшитади». Бевосита мулоқот.
23.05 Кинонигоҳ. «Нил дарёсидаги олишув». 2-қисм.
00.35-00.40 «Хайрли тун, шаҳрим!»

РЖТ

РЖТ 6.30-8.00
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 «Вести».
17.15 «Оилавий ришталар». Сериал.
18.15 «Ёлловчи». Детектив фильм.
20.00 «Время».
20.35 «Заиф бўғин». Шоу ўйин.
21.25 «Форс-мажор».
22.05 «Аншлаг».
22.55 CFI тақдим этади: «Капеллия». Фильм балет.
24.00 «Ахборот» (рус тилида)
00.35 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30 КАНАЛ

9.00 Дастурнинг очилиши.
9.05, 17.40, 20.35 — «Телехамкор».
9.30, 14.15 — Болалар соати.
10.15 «Ботирлар». Сериал.
10.40 «Яхши кайфият».
11.10 «Иблис боласи». Телесериал.
12.00 «Денгиз овчиси». 2-серия.
13.30 «Яго зулмат эҳтироси». Телесериал.
15.00 Кундузги кинозал: «Магдаленанинг сокин эҳтиросларн». Сериал.
16.40 «Футурама». Мультсериал.
17.00 Шоу соати.
18.00 «Ўрток бошлиқ». Сериал.
19.00 «30-канал» киноокшоми: «Лотос зарбаси».
21.00 «Хайрли тун, кичкинтойлар!».
21.15 «Ошиқона». Мусиқий дастур.
21.30 Ҳинд киноси: «Севгидан қўрқиш керак эмас».

1

5.00 «Хайрли тонг» телеканали.
8.00, 11.00, 14.00, 17.00 Янгиликлар.
8.15, 17.15 «Оилавий ришталар». Сериал.
9.10 «Шиддатли». Жангари фильм.
10.05, 14.45 «Аралашқуралаш».
10.15 «100%» дастури.
10.35 Терговни Колобков олиб боради.
11.15 «Ой шуъласи» детектив агентлиги». Сериал.
12.15 Лубянка. «Иуда тамғаси билан».
13.00 «Халқ қарши». Телеўйин.
14.15 «Ёввойи нарсалар». Сериал.
14.55 «Ҳозир, ёки ҳеч қачон». Сериал.
15.50 «Саломея». Фильм.
18.15 «Оғдирувчи». Детектив.
20.00 «Время».
20.35 «Заиф бўғин». Ўйин шоуси.
21.25 «Форс-мажор».
22.05 «Хитой миршаби». Сериал.
23.00 Тунги «Время».
23.30 «Сати» дастури.
24.00 «Мингйиллик». Мистик триллер.
00.50 «Хеч қаерлик одам». Триллер.

РТР

02.50 — 06.00 РТР тонги.
6.00, 8.00, 11.00, 14.00, 17.00 «Вести».
6.10 «Лос Анжелесдаги саратон». Детектив сериал.
7.00 «Мангу даъват». Сериал.
8.20 «Оқ тунлар». Фильм.
10.05 «Орлёнок». Болалар фильмлари фестивали.
10.30 «Бетти». Комик сериал.
11.20 Спорт-»Вести».
11.25 «Аёл нимани истайди?». Ток-шоу.
12.10 «Ёввойи фаришта». Сериал.
13.10 «Дўстлар-5». Комик сериал.
13.40 «РТР экспертизаси».
13.45 «Афиша».
14.20 «Собиқлар иттифоқи». Ҳужжатли фильм.
15.05 «Йўл назорати».
15.15, 17.35, 20.20 «Вести-Москва».
15.50 «Комиссар Рекс». Сериал.
16.50 «Хайрли тун, кичкинтойлар!».
17.55 «Касби-терговчи». Детектив сериал.
18.55 «Агата Кристи Пуароси».
20.00 «Вести-тафсилотлар».
20.30 «Аҳмоқ қиз». Детектив.

НТВ

Профилактика муносабати билан НТВ телеканали кўрсатувлари 15.00 да бошланади.
15.00, 18.00, 21.00 «Бугун».
15.30, 19.45 «Катта шаҳар томлари остида».
16.35 «Ифлос юмуш».
17.35, 00.55 Криминал.
18.35, 22.30 «Чироғи синган кўчалар».
21.35 «Тез ёрдам—4».
23.40 «Омадли». Телеўйин.
0.15 «Лагерь». Триллер.

ТВ3

9.00 «Эътиқодлининг овози».
9.30 «Лўли қиз Аза». Б\ф
11.30 «Йўқни йўндирма». Фильм.
13.00 «Ажал кўрфази». Фильм.
15.30 «Ҳарбий дала романи». Фильм.
17.25 «Наталья Крачковская билан муаммоларни ҳал қилиш».
18.00 «Гусарни унаштириш». Фильм.
19.30 «Кадош». Б\ф
22.00 «Шиддатли душанба». Б\ф
24.00 Соғлом бўлишни истасанг.
0.30 «Сахро шамани». Фильм.

RENTV

7.00 «Пароль — Мангулик». Телесериал.
8.30, 18.00 «Папирусннинг саргузаштлари». Мультсериал.
9.00, 17.30 «Пауэр Рейнжерс ёки қудратли Рейнжерлар». Телесериал.
9.30, 17.00 «Вуншпунш». Мультсериал.
10.00, 16.30 «Инспектор Гаджет». Мультсериал.
10.30, 14.30, 18.30, 22.30, 02.30 «24». Ахборот дастури.
10.45 «Кўрикчи». Детектив комедия.
13.30 «Атлантида — йўқолган цивилизация». Ҳужжатли фильм.
14.45 «Шохид».
15.15, 20.55 «Олисга қатновчилар». Телесериал.
18.50 «Яго, қора эҳтирос». Теленовелла.
22.00 «Симпсонлар». Мультсериал.
23.00 «Шов-шув ёки қўпорувчилик». Ток-шоу.
00.15 «Даврлардаги қочоқ». Фантастик жангари фильм.
2.45 «Аёлларни тушунадиган эркак». Криминал комедия.

ТНТ

16.00 гача профлактика ишлари.
16.00, 2.10 «Ҳаммасини ёдга келтириш». Сериал.
17.00 «Лус-Мария». Сериал.
18.00, 1.50 «Яширин камера билан».
18.30 Аёллар ҳаётидан.
19.00 «Ниндзя-тошбақачалар». Мультсериал.
19.25 «72 соат». Детектив сериал.
20.30, 1.25 «Ўйлаб топилмаган воқеалар». Сериал
21.00 «Динозаврчалар». Мульсериал.
21.30 «Тентаклар». Комедия (Франция 1994).
23.45 ТНТда мусиқа.
0.00 «Истаганингни қил». Мелодрама. 3-серия.

ТВЦ

7.00 «Кайфият».
10.05 «Бир кун қанотларимиз ўсиб чиқади». Телесериал.
10.55 «Болалар ҳайвонларни қутқаради». Телесериал.
11.20 «Сеҳрли қуш». Мультфильм.
11.40 Петровка, 38.
12.00, 15.00, 19.00, 23.00, 01.10 Воқеалар. Москва вақти.
12.15 Теледўкон.
12.30 «Сана» телеканали.
13.40 Махсус папка.
14.10 Хавфли зона.
● Ана шу туман ҳудудида жойлашган «Олой» бозорининг олдида ўзига фирибгарликни касб қилиб олиб, бунинг ортидан мўмай даромадни кўзлаб юрган яна бир шахс милиция ходимлари томонидан қўлга олинди. Самарқанд шаҳри, Самарқанд кўчасида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган С.Виктор турли хил важлар билан ҳамшаҳри, Горький кўчаси, 1-уйда истиқомат қилувчи Ш.Жаъфаровани алдаб, «Голландияга ишга юбораман» деб катта ваъда бериб, унинг 3000 миқдоридаги АҚШ долларини эгаллаб олган эди. Энди эса найранглари фош этилган бу жиноятчининг қонун олдида жавоб беришига тўғри келади.

● Фарғона вилоятининг Боғдод туманилик О.Эргаш деган йигит пойтахтимизнинг Бектемир тумани ҳудудида жойлашган «Қўйлиқ» улгуржи бозорида қинғир ҳаракат қилиб, ўғирлик жинояти содир этганлиги учун ички ишлар ходимлари томонидан қўлга олинди. Унинг Тошкент вилояти, Бекобод тумани, Далварзин жамоа хўжалигининг 1-бўлимида истиқомат қилувчи Р.Асранқуловга тегишли нархи 180.000 сўмлик помидорларини ўмариб кетганлиги исботланди.

● Ҳамза тумани ИИБ ходимларининг саъй-ҳаракатлари натижасида Ғалабанинг 40 йиллиги кўчаси, 34-уйда истиқомат қилувчи А.Ниёзовга тегишли «Нексия» русумли автоуловни ўғирлаб, ҳайдаб қочиб кетган жиноятчи ушланди. Зудлик билан амалга оширилган «тутиб олиш» махсус тадбири давомида қўлга тушган ўғри, Ҳамза кўчасида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган Ш.Дмитрий бўлиб чиқди.

● Шайхонтоҳур туманилик Н.Мансур исмли йигитнинг ножўя қадам босиб, ўзига оғуфурушликни касб қилиб олганлиги маълум бўлди. Уни милиция ходимлари кўчада бораётиб, ҳаракатлари бирмунча шубҳали кўринганлиги боис тўхтатиб, текшириб кўрганларида ёнидан оз эмас, кўп эмас бир ярим килограммдан ортиқроқ героин гиёвандлик моддаси топилди. Бу каби хавфли жиноятга қўл урган айбдорларнинг эса тегишли жазо олишлари муқаррардир.

● Яккасарой туманида яшовчи, аввал ҳам судланганлигига қарамасдан ҳамон ўзига тўғри йўл танламаган Б.Алексей яна такроран ўғрилик жиноятини содир этди. Туманнинг ИИБ ходимлари уни Усмон Носир кўчаси, 65-уйнинг йўлакларига ўрнатилган лифт қурилмаларининг нархи 546180 сўмлик миқдорда баҳоланадиган тўхтатиш ғалтакларини ўмариб кетганлигини аниқлаб, тутиб келдилар. Далилий ашёларнинг бир қисмини ўз қўли билан олиб келиб топширган ушбу айбдор энди ерга термулиб қолди.

Тошкент шаҳар ИИББ Матбуот маркази.

БИР ЖИНОЯТ ИЗИДАН

Тунги зўравонлар

Мустақил ва фаровон юртимизда тинчлик, осойишталик ҳукмрон. Нияти пок, дили тоза ҳар бир кишининг мақсади, ўй-орзуси битта — жамиятимиз гуллаб-яшнаса. Қани эди, жамиятимиз равнақи, унинг эртанги истиқболи учун барча бирдек қайғурса. Аммо афсуски, шоли қурмаксиз бўлмаганидек, ёшларимиз орасида ҳам айримлари ўз ота-оналари, қавм-қариндошлари, ёр-дўстлари, қолаверса, тенгдошлари шаънига ҳам баъзида доғ тушириб қўядиган ножўя қилмишлар содир этмоқдалар. Уларнинг қўл урган жиноятлари туфайли жабрланганлар азият чекадилар. Кўпчилик ҳолларда саломатликларига путур етиб, ҳам маънавий, ҳам моддий зарар кўрадилар.

Пойтахтимизнинг Чилонзор тумани ҳудудида жойлашган «Отчопар» бозорига «уя» қурган бир жиноий гуруҳ аъзолари ҳам асосан ёш ўспирин йигитлардан иборат эди. Ҳозирги кунда жамики қалтис ҳаракатлари учун қонун олдида жавоб бераётган бу жиноятчиларнинг боши берк кўчага кириб, ўз келажакларини қабоҳат ботқоғи томон етаклашларига нима сабаб бўлди экан? Хуллас, гиштқолипдан кўчиб бўлган. Энди афсус-надомат чеккан билан фойда йўқ. Фақатгина келгусида улар тўғри хулоса чиқарсалар фойдадан холи бўлмас эди...

Маълумки, ана шу бозорга ҳар куни эртадан то кечга қадар турли вилоятлардан автоуловларнинг келиши ҳеч тўхтамайди. Бу эса, асли бухоролик бўлган М.Маллаев бошлиқ мазкур жиноий гуруҳ аъзолари учун айни қўл келадиган вазиятлар туғдирарди. Бозорда аввалига аравакашлик қилиб, кейинроқ бўлса, «тер тўкмасдан ҳам пул топиш мумкин» деган ўзлари ўйлаб топган ақидага суянишиб иш кўрган бу йигитлар, бориб-бориб тамоман бошқача тоифадаги одамларга айландилар. Мақсадлари бегуноҳ кишиларга нисбатан куч ишлатиб, зўравонлик қилиб, мол-мулклари, пул-маблағларини тортиб олишдан иборат бўлган гуруҳ аъзолари, айниқса, савдо-сотиқ учун бозорга келган тадбиркорларни қаттиқ «шиларди»лар. М.Маллаевнинг раҳнамолиги ва ташкилотчилиги боис, гуруҳ таркибидаги Ўткир, Салим, Аваз, «Тақсир» лақабли Носирхон, Ризо, Дилшод, Мурод, Ойбек, Наби, Баҳром ва Фарҳодлар анчагина «дуруст» натижаларга эришдилар.

Илк уринишлар ўз «мевасини» кўрсатгач, энди жиддийроқ ўлжалар устида бош қотиришнинг фурсати етганлиги бошлиқ М.Маллаевнинг фикру хаёлидан бир зум кетмай қолади. Ў издошларини яна ҳар галгидек пухта ўйлаб режалаштирган «иш» билан таништиради ва таркибни кичик-кичик махсус бўлимларга ажратади. Қилиниши керак бўлган вазифалар ҳам ҳар бир бўлим учун алоҳида тақсимланарди. Ҳамма ўз жойини эгаллаши шарт.

Кечаси соат 03-30 лар чамаси. Самарқанддан савдо ишлари билан келган тадбиркорлик билан шуғулланувчи Б.Давронов ва Р.Абдуғаниевлар автобусдан тушиб ҳамроҳларидан бироз оркароқда бозор томон боришарди. Кутилмаганда, қаршиларида пайдо бўлиб қолган нотаниш кимсаларнинг ногаҳон ҳужуми бирон-бир қаршилик кўрсатишга асло имкон бермади. Бир маҳал, ўша босқинчилардан бири, Б.Давроновнинг бошига тош билан уриб, ҳушидан кетказди ва қўлидаги сумкасини олиб шериклари ортидан югурганича кўздан ғойиб бўлди.

Дўстининг бошидан оқаётган қонни тўхтатишга ҳаракат қилиб, унга ёрдам кўрсатиш билан овора Р.Абдуғаниев ҳам тўполонда 520.000 сўм пулидан ажралиб қолганди. Тунги зўравонларнинг ўлжасига айланган жабрланувчилар, жами 1 миллион 20 минг сўм пулларидан бир зумда жудо бўлдилар.

Ҳамтовоқлар навбатдаги «ов»ни ҳам ярим тунда амалга оширишга ўзаро келишиб, маслаҳатлашиб олишди. Ҳар ким юклатилган вазифаси устида тайёргарлик кўрган. Қашқадарё вилоятидан келадиган юк машиналари тўхтайдиган жойда ҳайдовчи Ш.Примов ўртоқлари К.Камолов, А.Қаҳрамонов ва Х.Каримовлар билан суҳбат қуриб турар эди. Ногаҳон улар томонга бостириб келган ўнга яқин қўлларида темир таёқчалар ва тошлар билан қуролланиб олган босқинчиларнинг ҳужуми асло кутилмаган ҳодиса бўлди. Ўз тажриба ва куч-қудратларига ишонган гуруҳ аъзолари, ана шу ўлжа томон «оч бўрилар» сингари ташландилар. Шундай қилиб, ушбу кечада содир этилган талончилик натижасида, Ш.Примов оғир тан жароҳати олиб, «тез ёрдам» машинасида касалхонага етказилди. Яна тўполонда савдо-сотиқ мақсадида олиб келган 1000000 сўм пулларидан ҳам айрилиб қолганини у ҳушига келганда билди.

Шу тарика ишлари «самара» бериб, бундан албатта мамнун ҳар бир гуруҳнинг аъзоси учун, бу каби уринишлар эндиликда ҳолва бўлиб қолганди...

Ярим тунда, бозорнинг Бухоро вилоятидан келадиган автобуслар тўхташ жойида ҳозиру нозир бу зўравонлар қўлга илингулик ўлжа ва қулай вазиятни кутиб турардилар. Бир маҳал улар диққатини елкаларига хўжалик сумкасини кўтариб олиб, бироз оркароқда бозор ичкарисига қараб бораётган икки аёл ўзига жалб этиб қолади. Бир зумда режа тузиб, ўзаро келишиб олган гуруҳ аъзолари айни фурсат етилгач ҳужумни бошлайдилар. Олис йўл ва беоромлик чарчоғидан ҳолсизланганча бораётган Мавлуда ва Маҳбуба Шодиевалар тўсатдан қилинган бу талончилик ҳужумидан ҳангуманг бўлиб, қўрқувдан довдираб қолдилар. Шунча масофани босиб, не-не хаёллар билан харид учун олиб келган жами 800000 сўмдан ортиқ пуллари, ҳужжатлари ва бошқа нарсалар солинган сумкачаларидан ҳам айрилган жабрланувчиларнинг ички ишлар ходимларига ёрдам сўраб мурожаат қилмоқликдан ўзга иложлари қолмайди.

Хуллас, қилмиш — қидирмиш деганларидек, шу каби жиноятлар содир этиб, қанча-қанча бегуноҳ одамларнинг мол-мулкини талаган ва ҳатто куч ишлатиб соғлиғига путур етказган, моддий ва маънавий зарар кўришларига бевосита сабабчи бўлган ушбу жиноий гуруҳнинг фаолияти барҳам топди. Уларнинг изига тушиб ҳар бир ножўя ҳаракатидан хабар топган милиция ходимлари бунга чек қўйдилар.

Чилонзор туманидаги «Дўстлик» қаҳвахонасида эришилган ютуқларидан роҳатланиб, ширин ҳаётлари хусусида бир-бирига оғиз кўпиртириб мақтаниб ўтирган ушбу гуруҳнинг икки нафар аъзосининг беҳосдан суҳбатлари бўлиниб қолди. Чунки уларни зимдан кузатиб турган жиноят-қидирув ходимлари жиноятчиларнинг қўлларига кишан солдилар. Олиб борилган тергов жараёнида иккаласи ҳам ўз бошлиқлари ҳамда шериклари тўғрисида оқизмай-томизмай сўзлаб бердилар. Вақти билан қолганлари ҳам ушландилар.

Ҳозирда қонун олдида қилмишлари учун жавоб бераётган гуруҳ аъзоларининг кўнгилларидан нима кечаётган экан? Балки, ҳар бири амалга оширган жиноятларидан бугун минг бор пушаймон қилаётгандирлар. Ахир, ҳар бирининг ҳам ота-онаси, яқинлари, дўст-биродарлари бордир. Энг ачинарлиси, айримларининг оиласи, фарзандлари кўз ёш тўкиб қолганидир.

Бу дунёда ҳамма нарсани топиш мумкин. Аммо инсон учун такрорланмайдиган, бебаҳо умрнинг қай даражада кечиши ҳар кимнинг ўзигагина боғлиқ. Ўз хаётларининг энг қайноқ лаҳзаларини темир панжара ортида кечишига, пешоналарига бўлса, «босқинчи, ўғри, нотавон» деган тамғалар босилишига ўзлари сабабчи бўлган бу йигитларнинг ҳам қалбида эзгу орзу-умидлари бўлмаганмикан! Ҳаётки фикру ўйи, мақсади фақат эгри, қинғир йўллар орқали мўмай пул топишдан иборат бўлган бўлса?!. Энди улар минг бора пушаймон қилмасин, қилган жиноятларига жазо муқаррардир.

Самариддин ХАЛИЛОВ,
Тошкент шаҳар ИИББ Матбуот маркази нозири.

Шарқ дурдоналари

Ўз-ўз ўйланиб донолар бўлур...

● Дунёда оқилона сўз ва яхши номдан бошқаси унутилади.

● Умрнинг ҳамма соатларини фойдали ва соғлиққа мувофиқ машғулот билан тўлдиринг, қайғу-алам бош суқадиган жой топмасин.

● Насиҳатни олмайдиган одам бахтсиздир.

● Яхши фазилатли бўлиб кўринишда маъно йўқ. Асл маъно чинакам фазилатли бўлишдадир.

● Нодон одам ўзи билмаган, тушунмаган нарсани ё муқаддас ёки куфр, деб билади.

● Одамлар учун хотирда сақлаш, унутмаслик нақадар зарур бўлса, баъзи вақтда унутиш ҳам шу даражада зарур.

● Ярамас, бузуқ ишларнинг эшиклари саноқсиздир. Ҳушёрлик, сезгирликни сира ҳам қўлдан берманг. Эҳтиёткорлик билан ҳаракат қилмасангиз, бузуқ йўлларга кириб кетганингизни ўзингиз ҳам билмай қоласиз. Маишатингизнинг ҳозирча яхши ўтиб турганига мағрур бўлманг, оқибатини ўйлаб, шунга қараб ишингизни олиб боринг. Тавозени ўзингизга шиор қилиб олинг, манманликдан қочинг, камтар бўлинг.

Улуғлик айлама зинҳор, ўзингни камтар тут,
Кимдаки бўлса бу хислат, ажаб саодатдир.

● Тўрт нарса ҳамма учун керак: саломатлик, гўзал ҳулқ, ростгўйлик ва ҳалол меҳнат.

Ҳар кишида бўлса эрликдан нишон,
Ҳеч бир одамга раво кўрмас зиён.

● Бир донишманддан «Одамлар сўзлари ва ишлари жиҳатидан неча туркумга бўлинадилар?» деб сўрадилар.

У жавоб берди:

— Шу жиҳатдан одамлар тўрт туркумга бўлинадилар. Биринчи туркумдагилар бир ишни қилишга сўз берадилар ва сўзларининг устидан чиқадилар. Бу — гўзал сифатли одамлар одати. Иккинчи туркумдагилар сўз бермайдилар, лекин индамасдан юриб ишларини кўнгилдагидек дўндирадилар. Бу — жуванмардлар одати. Учинчи туркумдагилар оғизни кўпиртириб сўзлайдилар, ваъда берадилар, аммо амалда ҳеч бир иш кўрсатмайдилар. Бу — мунофиқлар шеваси ва ҳийлакорлар ишидир. Тўртинчи туркумдагилар сўз ҳам бермайдилар ва ҳеч бир иш ҳам кўрсатмайдилар. Бу — хасис ва пасткаш одамлар хислати.

● Қалб бошдан кўра ҳам тўғри ҳукм беради.

● Жоҳил билан тортишиб ўтирган олим ҳурмат кутмасин. Бирор жоҳил сўзлаб, олимни сукут эттирса, таажжуб қилманг, чунки тош гавҳарни синдира олади.

● Нодон киши ўзининг насл-насабига, олим киши эса ўзининг илм ва адабига таянади.

● Тарбиясиз одам жонсиз жасадга ўхшайди.

● Ҳақиқат ва тўғриликни севадиган одам доим виждони фармонига итоат этади ва унинг виждонига ҳеч ким ҳоким бўла олмайди.

● Виждон — ақлнинг қон томири, унинг ўриши бизни доим яхши ва ёмондан воқиф этиб туради.

● Маъносиз, пойма-пой сўзламоқдан кўра сукут қила билиш нодир фазилатдир.

● Ақл-ҳуш эгаси бўлган одам халқ билан дўстона яшайди. Халқ билан чиқишмаган одам роҳат юзини кўра олмайди.

Кимки эл бирла муроса қилмади,
Умрининг ширинлигин ул билмади.

● Маҳмадана, валдировчи одам очиқ бир мактубга ўхшайди. Уни ҳамма ўқиёлади.

● Ҳар қандай мушкулликда ҳам нажот тўғриликдадир.

● Фарзанд олган тарбиясига қараб ота-онасига роҳат ёки кулфат келтиради.

● Ота -онасини ҳурмат қилмаган фарзанд ўз фарзандларидан ҳурмат кутиши ножоиздир.

ДОНИШМАНДЛАР ХАЗИНАСИДАН

Муҳаммад Авфий
Жавомиъ ул-ҳикоёт

(Давоми. Боши ўтган сонларда)

Шундан сўнг, подшоҳ Баҳром, қизни тахтиравонга ўтказиб ўз саройига олиб кетди ва ўз никоҳига киритди. Қизнинг хуснжамолидан Баҳромнинг шабистони мунаввар бўлди, деб ҳикояни тугатдим.

Султон Яминуддавла бу ҳикояни эшитиб бўлгач, ўз ҳарамига кетаркан, Абу Насрга қараб, мени зўр машаққатдан қутқардинг, деди.

Шундан сўнг, икки кун ўтгач, Султон Аёзнинг синглисини ўз никоҳига киритди.

ҲАЖЖОЖНИНГ ДЕГАНЛАРИ

Зайд бин Мусо бин Жаъфар Табаристон сари ҳужум қилди. Уни даф қилмоқ учун Ҳасан Саҳл аскар тортиб Табаристонга борди ва Зайд бин Мусо аскарини тор-мор келтириб, ўзини асирга олди. Зайд бин Мусони ўлдирмоқ қасдига тушди. Ўз аскарларидан энг забардаст ва Зайд Бин Мусони олиб келтириб унга: «Нима қиларингни билмай эсанкираб, фитна уюштириб, қонлар тўкдинг, вилоятларни хароб қилиб, халқ ўртасига иғво солдинг», деди ва ўз аскарларига қараб, сизлар бунга қандай жазони лойиқ кўрасизлар, деб сўради. Ҳамма жим турарди. Шу вақт Қусам бин Жаъфар ўрнидан туриб: «Ё амир, уни қатл қил, агар сен уволидан қўрқсанг, уволи менинг бўйнимга», деди.

«Жаллодни чақиринг!» деди Ҳасан Саҳл. Жаллод келгач, Зайднинг калласини олишга фармон берди. Аммо бу мажлисда басралик Ҳажжож Хайсма ҳам бор эди. У мусулмончиликка эътиқоди, донолиги билан Басра шаҳрида машҳур эди. Ҳажжож ўрнидан туриб: «Ё амир, жамоатга маслаҳат солган экансан, ҳар бир кишининг фикрини сўрашинг лозим эди. Менинг бир насиҳатим бор: эшит, сўнгра фармонингни беравер!» деди.

Ҳасан Саҳл Ҳажжожни ўз ҳузурига чақириб, — бу борада сен қандай маслаҳат берардинг» - деб сўради.

- Агар Зайдни асир олсанг, уни ўлдир деб амирулмўминин сенга фармон берганми? - деб сўради Ҳажжож.

- Йўқ, - деб жавоб берди Ҳасан Саҳл.

- У ҳолда сен бу томонга келаётиб, агар Зайдни асир олсам уни ўлдирайми деб амирулмўмининдан сўраганмидинг?

- Йўқ.

- Бу киши (Зайд ибн Мусо) амирулмўминин амакисининг ўғлидир. Агар сен уни ижозатсиз ўлдирсанг ва қайтиб бориб, амирулмўмининдан ўлдиришга ижозат сўрасанг, у эътироз билдирса, у ҳолда нима деб жавоб берасан?.. Сен Жаъфар Яҳё Бармакий қиссасини эшитмаганмисан?

- У қандай бўлган экан?

«Амирулмўминин Ҳорунаррашид», - деб қиссани бошлади Ҳажжож. - Абдуллани сақлаб туриш учун Жаъфар Яҳё қўлига топширди. Бироқ Жаъфар Яҳё ботирлик қилиб, амирулмўминин Ҳорунаррашиднинг оғзаки фармонига кўра Абдуллани қатл қилдирди. Абдулланинг калласи билан бир неча қимматбаҳо нарсаларни бирга қўшиб амирнинг ҳузурига юборди. Иттифоқо, Ҳорунаррашид билан Бармакийлар ўртасига нифоқ тушди. Ҳорунаррашид ўз жаллоди Масрурни чақириб: «Сен бориб Жаъфар Бармакийнинг калласини кесиб олиб кел! Агар Жаъфар сендан: «Менинг қандай гуноҳим учун амирулмўминин ўлдиришга буюрди», деб сўраса, унга «Мен Жаъфарни амакимнинг ўғли Абдулла Фатсни менинг фармонимсиз қатл қилгани учун ўлдиришга буюрдим», дегин.

Мабодо, сен ҳам Зайд ибн Мусони амирулмўмининдан ижозат олмай ўлдирсанг, у ҳолда Ҳорунаррашид Жаъфар Бармакийдан ўч олгандек, сендан ҳам амир ўз амакисининг ўғли учун ўч олиши муқаррардир».

Ҳасан Саҳл Ҳажжождан бу сўзни эшитиб, унинг берган маслаҳатига офарин ўқиди ва кўп миннатдорчиликлар билдирди. Зайд ибн Мусо ҳақидаги берган ҳукмини кечиктиришга қарор қилиб, амирулмўмининга бу ҳақда мактуб йўллади. Уч ой ўтмасдан мактубга жавоб келди. Мактубда Зайдни иззат-икром билан бизнинг ҳузуримизга жўнатинг, дейилган эди. Ҳасан Саҳл Зайдга кўп хизматлар қилиб, уни амирулмўмининнинг ҳузурига жўнатди.

Ҳасан Саҳл Ҳажжожга қайта-қайта миннатдорчилик билдирди. Шундан сўнг, Ҳажжожнинг маслаҳатини олмай туриб ҳеч қандай ишга қўл урмайдиган бўлди.

ХОЛИДНИНГ МАСЛАҲАТИ

Амир Мансур Баҳдодни бино қилиб, Ислом шаҳари деб ном бергач, Кайхисравдан қолган кўшкни буздиришга аҳд қилди. Бу ҳақда бир неча аъёнлар билан маслаҳатлашди. Ҳамма, - яхши бўлади, - деб маслаҳат берди.

Аммо Холид Бармакий бу ишни маъқул кўрмади ва: «Бу тадбир жоиз эмас. Зероки, кўшкни қуриш учун қанча маблағ сарфланган бўлса, уни бузиш учун ҳам шунча маблағ керак бўлади», деди.

Мансур бошқалардан сўради: «Хўш, Холид Бармакийнинг фикрига сизлар нима дейсизлар?» Мавриёнлик Қосид Холид Бармакийнинг душмани эди, ўрнидан туриб: «Ё амир, Холид Бармакийнинг сўзига қараганда, унинг Кайхисравга эътиқоди ҳанузгача кучли кўринади», деди.

Мансур мавриёнлик Қосиднинг сўзига амал қилиб, Кайхисрав айвонини бузишга буйруқ берди. Қасрни бузиш учун кўплаб ишчи кучи талаб қилинди ва минг-минглаб дирҳам ортиқча маблағ сарфланди. Бироқ шунча сарф-харажатлар эвазига икки газдан ортиқ буза олмадилар.

«Агар икки газ ерни бузиш учун шунча маблағ сарфланган бўлса қасрнинг ҳаммасини бузиш учун бутун хазина ҳам етмас экан-да», деб ўйлади амир. Шундан сўнг, Мансур Холидни ўз ҳузурига чақириб иззат-эҳтиром кўрсатиб: «Энди билдим, сенинг маслаҳатинг тўғри экан», деди. «Э амир қасрни бузишга киришмасдан аввалроқ бу ишдан қўлингни тортганингда яхшироқ бўларди. Ҳамонки бузишга киришдинг-ми, бутун хазинангни сарфласанг ҳам батамом бузиб тамомлашинг шартдир. Зеро, амирнинг душманлари унинг номини жаҳонга бадном қилиб кўрсатмасинлар», деди Холид.

Мансур бу сўзни эшитиб Қосиддан қаттиқ ранжиди. Шундан сўнг, ҳеч бир соҳада Қосид билан маслаҳатлашмади ва унинг маслаҳати билан ҳеч бир ишга қўл урмади.

Турғун ФАЙЗИЕВ тайёрлаган.

БЎШ ВАҚТИНГИЗДА

Бошқотирма

Белгиланган хонадан рақам атрофига соат мили йўналишида: 1. Эркин Воҳидовнинг шеърий тўплами (1). 2. Тақинчоқ. 3. Марказий Осиёдаги эрамиздан аввалги VII-VI асрлар даврига мансуб давлат. (7). 4. Ширинлик тури. (2). 5. Сайқал бериб пардозланган шарқона нақшинкор иморат. 6. Тошкентнинг қадимий даҳаси. 7. Математик ҳисобнинг ҳар бир тури. (4). 8. Портловчи қурол. (4). 9. Самарқандга юнонликлар берган ном. (5). 10. Бадиий ёки илмий асар яратиш фаолияти. (1). 11. Алишер Навоий 1487-1489 йилларда ҳукмдорлик қилган шаҳар. (2). 12. Ўзбек халқ мақоми. 13. Нағма чалувчи созанда. (5). 14. Келажак авлод, зурриёт. (4). 15. Маъдан, бинокорлик ашёси. (1). 16. Фарғона вилоятидаги шаҳар. (1). 17. Македониялик ҳукмдор Александр Македонскийга берилган шарқона ном. (2). 18. Дунё томони. 19. Қадимда қўлланилган тошотар қурол. 20. Пазандалик анжоми. 21. Шахмат бўйича жаҳон чемпионларидан бири.

Муаммонома

Қуйидаги рақамлар бошқотирмадаги сўзлар тартибини англатади. Уларни жавоб сўзларининг қавс ичидаги рақамдаги ҳарф тартиби билан алмаштириб муаммономани ҳал этинг.

9; 3; 11; 15; 13. 8; 16; 10; 7; 14; 4. —

20; 14; 1; 15; 17. Улардан аён бўлган сўзлар ўзбек халқ мақолига мансуб.

Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ



Газетанинг шу йил 5 июль сонида берилган бошқотирманинг жавоблари:

7. Капалак. 8. Кафолат. 10. Капитан. 13. Кошин. 14. Каноп. 15. Косон. 16. Катет. 20. Кесим. 21. Кураш. 25. Комилов. 27. Коломбо. 28. Косинус.

Бўйига: 1. Кашалот. 3. Какао. 4. Карат. 6. Каталог. 9. Китоб. 11. Киромий. 12. Камерун. 17. «Келиной». 18. Кўмир. 19. Каламуш. 22. Колба. 23. Койот.

Айлана бўйича: 29-30. Кнаак. 30-31. Кўшк. 31-29. Копток.

Ёйлар бўйича: 2. Калхат. 5. Компас. 24. Кимхоб. 26. Кашнич.

Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39, факс: (3712) 133-29-09.

Ҳажми — 2 босма табоқ; офсет усулида босилди. 8332 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақами билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-410. Босмага топшириш вақти 12.00 Топширилди 13.30 1 2 3 4 5 6

Галияхоним рақслари — мўъжиза лаҳзалари

— Галияхон ая, ижодкорнинг умри ҳар доим изланишда ўтади. Айтиш мумкинки, баъзи ролларингиз осонгина қиёмига етса, баъзилари машқ-қат билан кўнгилдагидек чиқади, яъни кўпроқ меҳнат қиласиз. Билишимча, «Семурғ» балети машқлари пайтида кўп тортишувлар бўлиб, Ўзбекистон халқ шоираси Зулфияхоним ҳузурига борган экансизлар ва ушбу спектаклдаги Паризод роли сизнинг энг яхши ролларингиздан бири бўлган экан...

— Баҳс ҳақиқатга йўл очади дейдилар-ку, бизда эса аксинча бўлган.

Семурғ — бахт қуши. Паризод роли мени раққоса сифатида кенг халқ оммасига танитган, шухрат келтирган. Халқ ижоди илҳом берувчи ўлмас манба. Мана шу манба бастакорга ҳам, постановкачи-балетмейстер Иброҳим Юсуповга ҳам, ижрочиларга ҳам ўз ижодий фантазияси, хаёлотини кенг намоён қилиш имконини берган. Ражаб Тангуриев Ялмоғиз ролини, мен эса Паризодни машқ қила бошладик. Машқларимизда ҳар доим қаттиқ тортишиб қолардик, ҳар бир санъаткор образлари талқинининг ўзига ёққан ҳолатни таклиф қиларди. Бир фикрга келолмай, Зулфия опага учрашдик. Улар бизни хотиржамгина тингладилар. Актёрлар бир-бирига зид мулоҳазаларни айтишди. Опа эса бир марта ҳам уларнинг сўзларини бўлмасдан охиригача тингладилар. Кейин «ғоя»ларга аниқлик киритиб, «Семурғ»даги образлар характерини, ҳар бир персонаж феъл-атвори қандай ривожланиши ва нима учун шундай бўлиши кераклигини моҳирлик билан тушунтирдилар. Биз уларнинг ҳузуридан қувониб қайтдик ва аҳиллик билан машқларни давом эттирдик. Ва натижада «Семурғ» балети кўплаб хорижий юртларда муваффақият билан намойиш этилди.

Мен ҳозир ўз тажриба ва билимларимни ажойиб балет кадрлари тайёрлашдек хайрли ва масъулиятли ишга сарфламоқдаман. Меҳнатсевар ва санъатни севадиган ёш зиёлиларни тарбиялаш катта бахтдир. Шогирдларим ичида Тамилла Муҳамедова, Гуля Соатқулова, Надежда Шилова, Амина Бобожонова каби ёш, истеъдодли балериналар келажакда ўзбек балетининг шон-шуҳратини бутун жаҳонга танитадилар деб умид қиламан.

Дарҳақиқат, қизим, суҳбатимиз бошида энг яхши роль... деган жумлани ишлатдингиз-а? Ана шу ролга сарфланган меҳнатни, уйқусиз тунлар, соатлаб қилинган машқларни, ноумидлик ва ўзига ишончсизлик кўз ёшларини қайси тарозида тортиб кўриш мумкин?! Саҳнадаги ҳар бир янги роль, янги образ янги муваффақиятларга йўл очади. Назаримда, ҳар бир рақснинг ўзига хос жозибаси бор. Ана шу жозиба кучи доим ўзига тортади.

— Рақс ихлосмандлари яхши биладиларки, сиз нафақат маҳоратли раққоса, балки кўплаб балетларни саҳналаштирган машҳур балетмейстерсиз. Ўша кезларда матбуот саҳифаларида «Балеро» балетининг шухрати Галия Измайлова ва ўзбек балетининг ижодида муҳим ўринни эгаллайди», деб ёзишган эди.

— 1956 йилдаёқ Борис Завьялов билан биргаликда «Оққуш қўли» балетини саҳнага олиб чиқдим. Ҳаммага маълумки, «Оққуш қўли»нинг мусиқаси 1876 йили П. И. Чайковский томонидан ёзилган. Москвалик балетмейстер Ю. Ройзенгер илк марта саҳналаштирган. Мен ҳам уни катта ниятлар билан қўйдим. Томошабинлар уни қизғин кутиб олишди. Кейин «Орзу», «Кашмир афсонаси» балетларига қўл урдим.

Ҳаётнинг ёзилмаган ўз қонунлари бор. Омаднинг кетидан омадсизлик, бахт кетидан бахтсизлик, қувонч кетидан ташвиш келади. «Шаҳризода» мени ҳақиқий балетмейстер сифатида кўрсатган спектакль. Шу балетдаги Гулнора образини ҳам жуда катта меҳр-муҳаббат билан ўйнаганман. Қўйган балетларимнинг деярли ҳаммасида муҳаббат ва нафрат, яхшилик ва ёмонлик ўртасида кураш кетади.

Ёшлигидан санъатнинг сеҳрли оламига қадам қўйиб, ҳозирги кунда ҳам унинг бағрини, айни кунда ҳам Алишер Навоий номидаги опера ва балет театри даргоҳини тарк этолмаётган рақс билимдони, халқ артисти,. биринчи ўзбек балеринаси, жаҳон халқлари рақсларининг моҳир ижрочиси Галия Измайлова ҳақида ўйлаганимизда, кўз ўнгимизда «Оққуш қўли» балети, унинг оёқ учида қўяётган ҳар бир одими, шиддатли чир айланишлари намоён бўлади. Галияхоним рақснинг, балетнинг сир-асрорлари, қонун-қоидалари, миллий хусусиятлари, муаммолари ҳақида тўлқинланиб сўзлайди.

Хулласи калом, иқтидорим ва кучим, маҳоратим етганча саҳналаштирдим. Балетларимнинг ҳаммасини яхши кўраман. Лекин нимагадир шуларнинг ичида «Дон Кихот»ни бошқача кўраман. Сабабини ўзим ҳам билмайман.

— Қачондан бошлаб миллий рақсларни, жаҳон халқлари рақсларини ижро эта бошлагансиз? Биз балет рақси ижроларини миллий рақсларга ўйнаганини эслолмаймиз.

— Мен ўқиган Бешёғочдаги балет мактабида ўзбекча, тўғриғоғи, фарғонача усулдаги рақсларни Юсуфжон қизиқ, уста Олим Комилов, Тамарахоним, Мукаррама Турғунбоева каби устозлар ўргатишарди. Аммо мактабни тамомлаганимдан сўнг, устозларим негадир мени унутишди. Бир ёқда уруш... Устозларим фронт бригадалари сафида аскарлар ҳузурига жўнаб кетишди. Мумтоз ва замонавий рақсларни ўзим мустақил ўрганишга аҳд қилдим. Синф совуқ, иситишнинг имкони йўқ эди. Тайёр мусиқа асосида биринчи рақсимни ўзим ўйлаб топдим. Бунда менга ёш доирачи Авнер Бараев катта ёрдам берди. Авнер тожикча ва бухороча рақс усулларини яхши биларди. Шунинг учун у машғулотлар давомида менга қадимий мумтоз ва ҳозирги замонавий усулларни ўргатарди. Менинг қўл ҳаракатларим кўпроқ фарғонача рақсларга кетиб қоларди. Устозим Юсуфжон қизиқ: «Фарғона рақслари — бу қизлар табассумидир» дердилар. Мен ўзим билмаган ҳолда дастлабки рақсларимда устозим Тамарахоним ҳаракатларини такрорлардим. Аста-секин мукаммалликка эриша бордим. Лекин ҳақиқий муваффақият осонликча, дарров келмади. 1944 йили Ўрта Осиё мусиқа санъати ўн кунлиги бўлди. Мен ана шу ерда Хоразм рақсини илк марта кўрдим ва ҳайратда қолдим. Қачонки, хоразмча, фарғонача, бухороча рақс тушишни яхшилаб ўзлаштириб олганимдан сўнг бошқа халқлар рақсларини ўрганишга, ижро этишга имкониятим кенгайди. Араб, сурия, миср, корейс рақсларини ижро этар эканман, улардаги қадимий санъатнинг инсонпарварлик моҳиятини сақлаб қолишга ҳаракат қилдим.

— XX асрнинг 50-60-йилларига мансуб балет спектакллари ҳақида сўз кетганда Сиз билан бир қаторда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ражаб Тангуриев номи тилга олинади. Билишимизча, Ражаб ака билан 25 балетда рақсга тушиб, 25 ҳаёт, 25 тақдирни ўйнаган экансизлар...

— Ражаб Тангуриев театримизда 35 дан ортиқ балет спектаклида 60 га яқин образ яратган. Унинг хушбичим гавдаси, мағрур қомати, мардонаворлиги, образга мос кийиниш маҳорати унга фақат маъшуқлар ролини эмас, балки ўткир характерли ва жиддий ролларни ҳам ижро этишга имкон берган. Булар орасида «Семурғ»даги Ялмоғиз ҳам, «Дон Кихот»даги Эспадо ҳам, «Айболит»даги Бармалей ҳам, «Боғчасарой фонтани»даги Нурали образлари ҳам бор. Унинг рақсида жонли фикр жўш уриб турарди. Унинг ҳар бир образи чуқур психологик мазмун касб этарди. Саҳнада у ортиқча ҳаракатларга йўл қўймасди, унинг имо-ишоралари ҳаддан ташқари қисқа, аммо мазмунли бўларди. Фақат кўзларию, гавданинг ярим айланишиёқ томошабинларга кучли таъсир этарди. Ҳаётдаги Ражаб билан саҳнадаги Ражаб ўртасида катта фарқ бор эди. У ҳар қандай вазиятда ҳам ўзини йўқотмасди. Шундай қилиб, 25 йил мобайнида ҳамфикру ҳаммаслак бўлдик.

...Галия Измайлова санъат оламига ўзига хос нигоҳи, орзу, ғоялари билан кириб келди ва буларни ўзининг нафис ва жўшқин рақсларида мужассам этди. Унинг рақсларида ҳаёт қувончлари, руҳ кашфиётларини кўрамиз. Галияхонимнинг рақси — мўъжиза лаҳзалари бўлиб, бу нафосат олами томошабинлар қалбига ҳам кўчиб ўтади. Санъат мўъжизаси шу эмасми?!

Маъпура НАБИЕВА

Ёзнинг жазирама кунларини сўлим тоғ ён бағирларида ўтказиш мароқли.

Айни ёзнинг жазирама кунларида фарзандларимиз баҳаво табиат қўйнида, сўлим оромгоҳларда мазза қилиб дам олмоқдалар. Уларнинг янада мазмунли ва маданий дам олишлари учун қизиқарли учрашувлар, турли кўнгилочар ўйинлар, қатор тадбирлар ўтказилмоқда.

Хуш кайфият бағишлади

Куни кеча Шайхонтоҳур туманида жойлашган «Лочин» дам олиш оромгоҳида мана шундай ажойиб тадбирларнинг бири — «Янги асрга — соғлом насл билан» деб номланган адабий-бадиий кеча бўлиб ўтди.

Шайхонтоҳур туман ҳокимлиги, вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияси, «Соғлом авлод» хайрия жамғармасининг туман бўлими, А. Навоий номидаги туман маданият бўлими ва «Лочин» дам олиш оромгоҳи билан биргаликда ўтказилган ушбу учрашув эртамиз эгалари бўлмиш болажонларни гиёвандлик балосидан сақлаш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга бағишланди.

Тадбирда иштирок этган туман ҳокими ўринбосари, вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия раиси Улуғбек Раҳмонбоев эркин ва обод ўлкага ҳар жиҳатдан камол топган, маънавияти ва маданияти юксак бўлган фарзандлар кераклиги, тараққиётимиз пойдевори соғлом ва бақувват бўлсагина ўзимиз орзу қилаётган кунларга тезроқ етишимиз ҳақида, шифокор-нарколог Нодира Дадабоева аср вабоси бўлиб қолган гиёвандликнинг олдини олиш, ёшларимизнинг билиб-билмай мана шу ботқоққа ботиб қолишларига йўл қўймаслик лозимлиги ҳақида гапирдилар.

«Лочин» дам олиш оромгоҳида дам олаётган ўқувчилар томонидан тайёрланган саҳна кўринишлари, гиёвандликнинг олдини олишга қаратилган видеофильм барчага манзур бўлди.

Туман прокуратураси ва туман ИИББ ходимлари, 350 дан ортиқ болажонлар иштирокидаги ушбу учрашувда маданият уйининг «Дилрабо» ансамбли ўзининг шўх куй ва қўшиқлари, «Келажак-ёшлар бирлашмаси» эса ўзининг шоу-дастури билан иштирок этдилар.

Бегараз, самимий, дўстона руҳда бўлиб ўтган адабий-мусиқий учрашув болажонларга хуш кайфият бағишлади.

Шоира МУҲАМЕДОВА

Хайр боғча, ассалом мактаб!

Шайхонтоҳур туманидаги 567-боғчада «Хайр боғча, ассалом мактаб!» номли тадбир бўлиб ўтди.

Байрамона безатилган боғчада давлатимиз мадҳияси янграганда барча иштирокчиларни ажиб бир ҳис-ҳаяжон, фахр ва ифтихор ҳисси чулғади. Болажонлар она-Ватан, мактаб ҳамда беғубор болалик ҳақида шеър, қўшиқлар саҳна кўринишларини ижро этдилар. Шўхшодон рақслар, боғча қошидаги каратэ тўгараги қатнашчиларининг спорт либосларидаги чиқишлари йиғилганларга олам-олам қувонч бағишлади.

Шунингдек, эртамиз давомчилари бўлмиш кичкинтойлар боғчада инглиз тилидан ҳам сабоқ олишган. Тадбир давомида ўткир зеҳнли болажонлар чет тилидан устозларидан олган билимларини ота-оналар ҳамда меҳмонлар ҳузурида намойиш қилдилар.

— Мазкур тадбир ҳам аввалгилари каби «3000 йил боласи» давлат дастурига мувофиқ ўтказилмоқда, — дейди боғча мудираси Мастура Мирсоатова. — Юртбошимиз айтганларидек, «Фарзандларимиз биздан кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт». Маънавий етук, баркамол инсонларни тарбиялашда миллий истиқлол ғояси, миллий маданият, урф-одатларимиз, бардавом анъаналаримиз ва қадриятларимизнинг, шунингдек, тарихимизни мукаммал ўзлаштириб олишнинг аҳамияти жуда беқиёс.

Ушбу тадбирда ширинсўз, меҳрибон, тиниб-тинчимас тарбиячилардан Д. Отабоева, К. Орипова, Ф. Қодировалар ясаган бири биридан чиройли юмшоқ ўйинчоқлар бешта гуруҳ болажонларига топширилди. Бу гўзал ўйинчоқлар уларга севимли боғчалари, беғубор болалик хотираларини ва албатта қалби дарё тарбиячиларини эслатиб туради...

«Хайр боғча, ассалом мактаб! » тадбирида халқ таълими бошқармаси вакиллари, «Эшонгузар» ҳамда «Камолон» маҳаллаларининг оқсоқоллари, мунис онахону мўътабар отахонлари ҳам қатнашишди.

(Ўз мухбиримиз)

«05-0» — ҚУТҚАРУВ ХИЗМАТИ ХАБАРЛАРИ

Эҳтиётсизлик оқибатида

Маълумки, иссиқ кунларда кўпгина фуқароларимиз бошлаб қўйган қурилишларини тезроқ тугаллашга интиладилар. Шошма-шошарлик оқибатида эса баъзан кўнгилсиз воқеалар ҳам келиб чиқади.

Яқинда Юнусобод тумани, Агзамхўжаев кўчасида жойлашган 17-уйнинг пойдевори тагидан чуқур қазиш пайтида девор пойдевори қулаб тушиши натижасида шу ерда ишлаётган йигит— 1980 йилда туғилган, Наманган шаҳри, Яхшитой кўчасида истиқомат қилган Мақсуджон Қодиров ҳалок бўлганлиги ҳақида қутқарув хизмати бўлимига хабар қилишди.

Бошқарма зобитлари ва қутқарув хизматининг навбатчи гуруҳи тезда воқеа юз берган жойга етиб келиб, юк кўтариш автоулови ёрдамида марҳумнинг танаси тупроқ остидан чиқариб олинди.

Маълум бўлишича марҳум М.Қодиров ва яна 7 нафар мардикор йигитлар ҳеч қандай ҳужжатсиз, шартнома тузмаган ҳолда уй эгаси хусусий тадбиркор Йўлдош Муҳамедов томонидан уйида қурилиш ишларини бажариш учун ишга ёлланишган.

М.Қодировнинг жасади Юнусобод тумани прокуратураси ва туман ички ишлар бўлими оператив-тергов гуруҳи ходимларига топширилди.

Техник кўрикдан ўтмагач...

Шу кеча-кундузда ҳароратнинг кескин кўтарилиши ҳайдовчилар ишини ҳам ҳийла қийинлаштирмоқда. Ҳеч кимга сир эмаски, ҳаво ҳароратининг ошиши шаҳримиз кўчаларидаги асфальт қопламаларини эритиб, транспорт қатновига салбий таъсир кўрсатмоқда. Бундай пайтда тажрибали автомобиль ҳайдовчилари эскириб кетган ғилдирак баллонларини янгилашга ҳаракат қиладилар. Аммо, масъулиятли сезмайдиган баъзи бир ҳайдовчилар эса автоуловларни вақтида техник кўрикдан ўтказмай оқибатда йўл-транспорт ҳодисаси рўй беришига сабабчи бўладилар.

Шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармасининг тезкор навбатчи қисмига «Телеминора» радиотелеузатиш маркази ходими Баҳодир Абдураҳмонов қўнғироқ қилиб, Юнусобод тумани, Амир Темур кўчасида «Телеминора» РТУМ қаршисида МАЗ-503 русумли юк ағдарувчи автоуловнинг олдинги ғилдираги баллони ёрилиб, қарама-қарши йўлга чиқиб кетиб, «Тико» русумли такси машинаси билан тўқнашганлиги тўғрисида хабар берди.

Қутқарув хизмати ходимлари йўл-транспорт ҳодисаси содир этилган жойга етиб келганларида такси ҳайдовчиси, 1967 йилда туғилган Икром Алимовнинг чап сон суяги сингани, бош миясининг чайқалиши ва танаси лат еганлиги маълум бўлди. Шунингдек йўловчилар, 1965 йилда туғилган Озод Аметов, Бекбўлат Худойберганов ва МАЗ-503 автоуловининг йўловчиси Анвар Кашаев автоуловлардан чиқарилиб, тез тиббий ёрдам машиналарида 17-шифохонага жўнатилди.

«Тико» русумли такси йўловчиларидан бири Обод Аметов йўл транспорт ҳодисаси содир этилган жойда вафот этди.

Кўриниб турганидек, битта масъулиятсиз ҳайдовчининг қилмиши туфайли нечта киши озор чекди. Бахтсиз ҳодисаларнинг содир бўлишига кўпинча кишиларнинг ўзлари сабабчи бўладилар. Бас, шундай экан, азиз ҳамшаҳарлар, эҳтиёткорлик ва ҳушёрлик бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишда катта аҳамиятга эга эканлигини асло унутмайлик.

Ўткир САИДОВ,
Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси Матбуот марказининг раҳбари.

ТАДБИРЛАР

Шаҳримиздаги соғлиқни сақлаш муассасалари, ташкилотлари ва корхоналари ўз фаолиятларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 10 ноябрдаги «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури» тўғрисидаги Фармони, «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги Қонун ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимининг ушбу тизимга оид қарорлари ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруқлари асосида ташкил этмоқдалар.

Эл соғлиғи йўлида

17-шаҳар клиник шифохонасининг мажлислар залида Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси ҳайъат йиғилишининг бошқармага қарашли даволаш-профилактика муассасалари, корхона, ташкилотларида юқоридаги Қонун ижросига бағишланган мониторинги муҳокамаси бўлиб ўтди. Унда барча туманлардаги даволаш-профилактика муассасаларининг раҳбарлари иштирок этди.

Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан биргаликда аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш юзасидан 2002 йилнинг икки чораги — ярим йиллик иш фаолияти ҳақидаги ҳисобот-ахбороти тингланди. Режага асосан бундай йиғилиш ҳар чоракда ўтказилади ҳамда ундан кўпгина мақсадлар кўзда тутилади. Яъни шифокорлар — тиббиёт ходимлари ўзларининг қонуний бурч ва ҳуқуқларини мукаммал билишлари ва иш фаолиятларида уни татбиқ этишлари лозим. Йиғилишда давлат органлари, тиббиёт муассасалари, ташкилотлар, жамоат бирлашмаларининг фуқаролар соғлиғини сақлаш соҳасидаги фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш, шу билан бирга аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатилиши — умуман соғлиқ маданиятини ошириш билан бирга ушбу соҳадаги ўз ҳақ-ҳуқуқларини мукаммал билишларига кўмаклашиш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларидан жойларда тушунтириш ишлари олиб борилиши лозимлиги ҳақида сўз борди.

Юқоридаги ва бошқа масалалар ҳусусида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари, Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг бошлиғи Миралишер Исломов, Тошкент шаҳар санитария-эпидемиология назорати маркази бош шифокори Саидмурод Сайдалиев, Тошкент «Дори-дармон» давлат акционерлик жамияти бошқаруви раиси Ниғмон Тошпўлатов, Тошкент шаҳар прокуратурасининг масъул ходими сўзга чиқдилар.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА

ФУТБОЛ

Ғолиблар — шаҳар босқичига

Ўзбекистонда футболни оммавийлаштириш ва маҳаллаларда ривожлантириш мақсадида шаҳримиздаги барча туманларда маҳалла ўсмирлари ўртасида футбол бўйича анъанавий «Футболимиз келажаги» кубоги турнири мусобақалари қизғин тарзда ўтказиб келинмоқда.

Пойтахтимизнинг Акмал Икромов туманига қарашли барча маҳаллаларда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши, туман спорт қўмитаси ҳамда «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлими ташаббускорлигида 9 ёшдан 11 ёшгача, 12 ёшдан 14 ёшгача ҳамда 15 ёшдан 16 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида 3 босқичда ўтказилаётган туман биринчилиги футбол мусобақалари юқоридаги фикримизнинг далилидир.

Мусобақалар натижаларига кўра 12 ёшдан 14 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасидаги ушбу спорт мусобақасида туманнинг 36 маҳалласи иштирок этиб, унда 1-ўринни «Оқтепа» маҳалласи жамоаси, 2-ўринни «Янгиобод» маҳалласи ёшлари, 3-ўринни эса «Бешқайрағоч» маҳалласи қўлга киритди.

Шунингдек, 15 ёшдан 16 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида ўтказилган туман биринчилигида 46 та маҳалла қатнашган ҳолда, 1-ўринни Аброр Ҳидоятов номли маҳалла ёшлари, 2-ўринни «Янгиобод» маҳалла жамоаси, 3-ўринни «Янги ҳаёт» маҳалласи эгаллади. Ушбу спорт мусобақасига яқиндан ёрдам берган «Бешқайрағоч» маҳалла оқсоқоли Тўлқин Ҳайдаровнинг сўзларига кўра, эндиги навбат 9 ёшдан 11 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасидаги мусобақаларга қаратилган бўлиб, туман ғолиблари шаҳар биринчилигида иштирок этади.

(Ўз мухбиримиз)

Эъзоз

Қарияларни қадрлаш — маънавий бурчимиз. Бу бурч олдида барчамиз масъулиятлилигимизни янада англаб етиш нечоғли аҳамиятга эга эканлигини бугунги кундаги амалий ишлар натижаси ҳам кўрсатиб турибди.

Ҳамза туманидаги «Ўрта Масжид» маҳалласида туман хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати кенгашининг туман бўлими, туман маънавият ва маърифат маркази, шунингдек, маҳалла хотин-қизлар комиссияси ташаббуси билан ўтказилган тадбир юқоридаги фикримизнинг далилидир.

Унда маҳалла хотин-қизлар комиссияси раиси — Маҳбуба Рўзалиева ушбу маҳаллада неча йиллардан бўён истиқомат қилиб келаётган, амалий ишлар билан маҳалла равнақига ўз ҳиссасини қўшган қария онахонларимиз ҳақида гапириб ўтди.

Шунингдек, тадбирда кам таъминланган ва ёрдамга муҳтож аёлларнинг руҳини кўтариш мақсадида туман маданият уйлари ҳаваскорлари ижросида намойиш этилган концерт дастурлари йиғилганлар кўнглини шод этди. Онахонларга ҳомий ташкилотлар томонидан совғалар тақдим этилди.

Орзугул РУСТАМОВА

Тошкент шаҳар Савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш департаментининг Чилонзор туман бошқармаси томонидан 2002 йил 18 январда берилган 1975-рўйхат рақамли СИ №020260 серияли савдо гувоҳномаси, 520-рўйхат рақамли, АИ №05681 серияли спиртли ичимликлар сотиш гувоҳномаси, 450-рўйхат рақамли, ТМ №004200 серияли тамаки сотиш гувоҳномаси, назорат-касса машинасининг №3448-рўйхат карточкаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

2002 йил 14 январда Чилонзор туман ҳокимияти томонидан берилган, 08-000137 №000137 реестрдаги «ABROR-BAXT» хусусий фирмасининг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Чилонзор туман ҳокимияти томонидан «ABROR-БАХТ» хусусий фирмасига берилган думалоқ муҳр ва бурчакли штамп йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«Тошкент вино комбинати» очиқ акционерлик жамиятининг маъмурияти ва меҳнат жамоаси комбинат бош директорининг ўринбосари

Шомуҳит Шоқосимович ХУДОЙБЕРДИЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.

«Тошкент вино комбинати» очиқ акционерлик жамиятининг маъмурияти ва меҳнат жамоаси комбинат спирт цехи бошлиғининг ўринбосари

Миролим Собитович МИРСОДИҚОВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

«Тошкент вино комбинати» очиқ акционерлик жамиятининг маъмурияти ва меҳнат жамоаси комбинат спирт цехи бошлиғининг ўринбосари

Омонбой Исоқович АЗИМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси, Собир Раҳимов туман халқ таълими бўлими ва касаба уюшма қўмитаси 102-махсус интернатнинг собиқ раҳбари

Саид Музаффарович МУЗАФФАРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 8332 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақами билан рўйхатга олинган

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-609. Босмага топшириш вақти 13.10 Топширилди 15.00 123456